БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ИИЛ ЧИҚИШИ

№ 139 (1659)

15 ИЮЛЬ ЖУМА 1960 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

КПСС Марказий Комитети Пленуми шарафига

Областимиз саноат корхоналари қурилиш ва транспорт ташкилотларининг коллективлари КПСС Марказий Комитетининг Пленумини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олдилар. Кўпгина саноат корхоналари етти ойлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажариб қўйдилар. Тошкентдаги чинни заводи ишчилари етти ойлик планни 13 июлда тўла бажардилар. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва унинг сифатини яхшилаш бўйича белгиланган топшириқлар ҳам анча ошириб адо этилди. Тошкент электротехника заводи коллективи етти ойлик планни 11 июлдаёқ бажарди. Шу давр ичида 20 тоннадан ортиқ рангли металл, 138 минг киловатт-соат электр қуввати тежаб қолинди, икки хил типдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Оҳангарондаги гўшт комбинати коллективи етти ойлик планни 115 процент, бинокорлик материаллари комбинати коллективи эса 107 процент бажарди. «Узбекуголь» комбинатининг кончилари 6,5 ойлик планни муддатидан анча илгари адо этдилар ва қўшимча равишда халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун 110 минг тонна кўмир жўнатдилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1960 йил 13 июлда Катта Кремль саройида КПСС Марказий Комитетининг Пленуми очилди.

Марказий Комитетнинг Пленуми қуйидаги кун тартибини тасдиқлади:

Саноат ва транспортни ривожлантириш ҳамда фан ва техниканинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш тўғрисида КПСС XXI съезди қарорларини бажаришнинг бориши ҳақида РСФСР Министрлар Совети, Украина ССР Министрлар Совети, Латвия халқ хўжалиги кенгаши, Красноярск халқ хўжалиги кенгаши, Кемерово халқ хўжалиги кенгаши, Қарағанда халқ хўжалиги кенгаши, СССР Министрлар Советининг автоматлаштириш ва машинасозлик Давлат комитети, Украина ССР Фанлар академияси Е. О. Патон номидаги электр пайвандлаш институтининг докладларини тинглаш.

Марказий Комитет Пленуми ўзининг эрталабки мажлисида РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, РСФСР Госпланининг раиси ўртоқ К. М. Герасимовнинг, Украина ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ И. С. Сенининг, Латвия халқ хўжалиги кенгашининг раиси ўртоқ Г. И. Гайленинг докладларини тинглади.

Кечқурунги мажлисда Красноярск халқ хўжалиги кенгаши раиси ўртоқ П. Ф. Ломаконинг, Кемерово халқ хўжалиги кенгаши раиси ўртоқ Л. Е. Графовнинг ва Қарағанда халқ хўжалиги кенгаши раиси ўртоқ Б. Ф. Братченконинг докладлари тингланди.

Марказий Комитет Пленуми ишида қатнашиш учун область, ўлка партия комитетлари ва иттифоқчи республикалар компартиялари Марказий Комитетларининг Марказий Комитет аъзолари бўлмаган биринчи секретарлари, иттифоқчи республикалар компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область партия комитетларининг саноат ва транспорт билан шуғулланувчи секретарлари, иттифоқчи республикалар компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область партия комитетлари саноат ва транспорт бўлимларининг мудирлари, шаҳар ва район партия комитетлари ва йирик заводлар партия комитетларининг баъзи секретарлари, иттифоқчи ва автоном республикалар Министрлар Советларининг раислари, иттифоқчи республикалар Министрлар Советлари раисларининг саноат ва транспорт бўйича ўринбосарлари, иттифоқчи республикалар Госпланларининг раислари, халқ хўжалиги кенгашларининг раислари, иттифоқчи ва автоном республикаларнинг министрлари, иттифоқчи республикалар илмий техника Давлат комитетларининг раислари, баъзи корхоналарнинг директорлари ва бош инженерлари, олимлар, саноат ва транспортнинг илғорлари ва новаторлари, давлат ва махсус конструкторлик бюроларининг бошлиқлари ва бош конструкторлари, илмий тадқиқот институтларининг раҳбарлари ва министрликлар ҳамда марказий бошқармаларнинг бошқа раҳбар ходимлари, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг раҳбар ходимлари, марказий газета ва журналларнинг редакторлари, КПСС Марказий Комитети аппаратининг масъул ходимлари таклиф қилинганлар.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1960 йил 14 июлда ўз ишини давом эттирди.

Пленум ўзининг эрталабки мажлисида саноат ва транспортни ривожлантириш ҳамда фан ва техниканинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш тўғрисида КПСС XXI съезди қарорларини бажаришнинг бориши ҳақида СССР Министрлар Совети автоматлаштириш ва машинасозлик Давлат комитети раиси ўртоқ А. И. Костоусовнинг, Украина ССР Фанлар академияси Е. О. Патон номидаги электр пайвандлаш институти директори ўртоқ Б. Е. Патоннинг докладларини тинглади.

Сўнгра саноат ва транспортни ривожлантириш ҳамда фан ва техниканинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш тўғрисида КПСС XXI съезди қарорларини бажаришнинг бориши ҳақида қилинган докладларнинг муҳокамаси бошланди.

Докладлар юзасидан музокараларда эрталабки мажлисда Л. Н. Ефремов (КПСС Горький область комитетининг секретари), В. А. Трапезников (академик, СССР Фанлар академияси автоматика ва телемеханика институтининг директори), Д. А. Кунаев (Козоғистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари), А. П. Кириленко (КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, КПСС Свердловск область комитетининг секретари), А. Ф. Иоффе (академик, СССР Фанлар академияси чала ўтказгичлар институтининг директори) сўзга чиқдилар.

Кечқурунги мажлисда А. Г. Картавих (Кузнецк металлургия комбинати листопрокат цехининг старший вальцовкачиси), В. Ф. Жигалин (Москва шаҳар халқ хўжалиги кенгашининг раиси), И. В. Спиридонов (КПСС Ленинград область комитетининг секретари), А. М. Тарасов (Белорусия халқ хўжалиги кенгашининг раиси), А. А. Кольчик («Чистяковантрацит» трестига қарашли Лутугин номидаги шахта коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи), Б. П. Бещев (СССР Йўллар министри) ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирмоқда.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

13 июль эрталаб Катта Кремль саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми очилди. Пленум саноат ва транспортни ривожлантириш ҳамда фан ва техниканинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш тўғрисида КПСС XXI съезди қарорларини бажаришнинг бориши ҳақидаги масалани муҳокама қилмоқда.

Мажлислар залида КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзолари, иттифоқчи ва автоном республикалар, ўлкалар ва областлардаги партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари, корхоналарнинг директорлари, олимлар, инженерлар, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлар тўпландилар.

Совет кишилари КПСС Марказий Комитети Пленумини меҳнатда эришилган зўр муваффақиятлар билан кутиб олдилар. План топшириқларини ошириб бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақаси тўлқини баланд кўтарилди. Саноат, транспорт корхоналаридаги ва янги қурилишлардаги минглаб коллективлар ишлаб чиқаришда янги муваффақиятларга эришганликлари тўғрисида Пленум арафасида рапорт бердилар. СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планининг ўтган ярим йил ичида бажарилиш якунлари Пленум очиладиган куни эълон қилинди. Бу якунлар социалистик экономиканинг янги зўр юксалишидан, унинг ҳамма тармоқларида техника тўхтовсиз тараққий этаётганлигидан, етти ойлик планнинг жуда катта режаларини Коммунистик партия раҳбарлиги остида амалга ошираётган оммавий ижодий ташаббускорлигининг кудратли кучидан далолат беради.

Пленумни КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ **Н. С. Хрущев** очди.

Муҳокама қилинаётган масала бўйича биринчи бўлиб РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, РСФСР Госпланининг раиси **К. М. Герасимов** доклад қилди.

Ўртоқ К. М. Герасимов доклади

КПСС XXI съездидан кейин ўтган давр ичида, — деди докладчи, — Совет Иттифоқи меҳнаткашлари Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети раҳбарлигида етти йиллик планни тўла ва ошириб бажариш учун курашда катта ғалабаларга эришдилар. Қаҳрамон ишчилар синфи, шонли колхозчи деҳқонлар, ажойиб зиёлиларимиз фидокорона меҳнат қилганлиги туфайли, партия жуда катта ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб борганлиги туфайли бу ғалабаларни қўлга киритиш мумкин бўлди.

Етти йиллик планда қўйилган вазифаларни бажаришда, — дейди ўртоқ Герасимов, — Совет Иттифоқининг энг катта республикаси бўлган Россия Федерациясининг роли каттадир. Етти йиллик планнинг контроль рақамларига кўра, Россия Федерациясида саноат маҳсулотини умумий ишлаб чиқариш 80 процент кўпайтирилиши лозим эди. Шу билан бирга, алюминий ишлаб чиқариш уч баравар, электр энергия ҳосил қилиш икки баравардан зиёдроқ, нефть чиқариш 2,3 баравар, машинасозлик маҳсулотлари чиқариш икки баравар, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,5 баравар кўпаяди. Халқ истеъмол қиладиган молларни ишлаб чиқаришни анча кенгайтириш мўлжалланган. Республиканинг шарқий районларида саноатни жадал суръатлар билан ўстириш кўзда тутилган.

Россия Федерациясининг совет ва партия органлари, халқ хўжалик кенгашлари, корхона коллективлари кенг социалистик мусобақа асосида, КПСС Марказий Комитетининг доимий ёрдамига таяниб, 1959 йилда товар маҳсулоти ишлаб чиқариш планини муддатидан олдин бажаришни таъминладилар. Бу йилнинг биринчи ярмидаги программа ҳам муддатидан олдин бажарилди.

Республикада бутун мамлакат халқ хўжалигининг асоси бўлган оғир индустрияни илдам суръатлар билан ўстириш таъминланмоқда. Қора металлар прокатини, никелни, металл қирқадиган станокларни, темирчилик-пресс ускуналарини, қишлоқ хўжалик машиналарини, минерал ўғитларни ва бошқа энг муҳим буюмларни ишлаб чиқаришда бу йил РСФСР да етти йиллик планда 1961 йил учун кўзда тутилган даражага эришиладн.

Ўтган йилда бўлгани каби бу йилги биринчи ярим йилда ҳам қора металлургия маҳсулотларининг кўпчилик турларини ишлаб чиқариш плани ошириб бажарилди. Халқ хўжалигида металл ҳали ҳам етишмаётганлиги ҳисобга олиниб, — дейди ўртоқ Герасимов, — қора металлургияни янада, тағин ҳам тез ўстириш чоралари кўрилмоқда. Шу чораларни амалга ошириш натижасида етти йилликнинг дастлабки икки йили мобайнида республикада 5,9 миллион тонна пўлат ишлаб чиқарадиган ва 4,2 миллион тонна прокат ишлаб чиқарадиган янги қувватлар ишга туширилади, бу эса шу қувватларнинг ўтган 12 йил ичидаги ўсишидан ортиқроқдир.

Новатор металлургларнинг тажрибаси ишлаб турган металлургия корхоналарида металл чиқаришни кўпайтирмоқ учун яна катта резервлар борлигини кўрсатиб турибди. Ўртоқ Герасимов қуйидаги мисолни келтиради: Нижне-Тагил металлургия комбинатида 9-мартен цехида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Д. Морогов бошчилигида ишлаётган бригада ўтган йил мартен печининг ҳар бир квадрат метр тубидан кунига 11 тоннадан пўлат олишга муваффақ бўлди, ваҳоланки, Федерациядаги металлургия заводларида мартен печининг ҳар бир квадрат метридан кунига ўрта ҳисобда 7,5 тонна пўлат олинмоқда.

Республикада печнинг ҳар бир квадратметр тубидан олинадиган пўлатни ҳамма жойда ярим тоннага оширишга муваффақ бўлинганида эди, — дейди докладчи, — шу йўл билан йилига қўшимча равишда яна икки миллион тоннадан кўпроқ пўлат олиш мумкин бўлиб қолур эди.

Қора металлургиядаги руда базасининг орқада қолишини тугатиш учун қатъий чоралар кўрилмоқда. Бу йилнинг охирига бориб Курск магнит аномалиясидаги конлардан темир-руда қазиб чиқариш 7,7 миллион тоннага етказилади. КПСС Марказий Комитетининг РСФСР бюроси ва Республика Министрлар Совети бор имкониятларни ўрганиб чиқиб, янги темир-руда корхоналарини ишга тушириш муддатларини қисқартириш билан бирга, шу районда етти йиллик планда мўлжалланганидан ташқари йилига қўшимча равишда 7—9 миллион тонна темир руда берадиган қувватларни вужудга келтиришга ҳам қарор қилдилар.

РСФСР да рангли металлар ишлаб чиқариш соҳасида ҳам етти йиллик топшириқлари муваффақиятли бажарилмоқда. КПСС XXI съездининг қарорларига мувофиқ, Красноярск ўлкасида ва Иркутск областида катта алюминий саноати вужудга келтириш ишлари авж олдириб юборилди. Гайскдаги мис рудалари чиқадиган конлар негизида Оренбург областида энг катта кон-бойитиш комбинати қуриш кенг миқёсда олиб борилмоқда. Никель ишлаб чиқаришни қўшимча равишда кўпайтирмоқ учун қулай имкониятлар бор.

Жуда катта синтетик материаллар ва асосий кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган саноат барпо қилиш соҳасида кенг миқёсда иш олиб борилмоқда. Бироқ, — дейди докладчи, — Бошқирдистон, Кемерово, Олтой, Пермь ва Липецк Халқ хўжалиги кенгашлари кимё саноатидаги қувватларни ўстириш соҳасида ҳали ҳам орқада қолмоқдалар.

Республика мамлакатнинг ёқилғи баланс структурасини ўзгартириш тўғрисида КПСС XXI съезди қўйган вазифани амалга ошириб, нефть ва газнинг бу балансдаги ҳиссасини сезиларлик равишда кўпайтирди. Ўтган йил нефть бутун мамлакатда 1940 йилда олинган нефтга қараганда 3,3 баравар кўп ҳосил қилинди.

Мамлакатни ёппасига электрлаштиришнинг ленинча идеяларини амалга оширишда ҳам ўтган бир ярим йил ичида янги муваффақиятлар қўлга киритилди. Шунга қарамай, — дейди ўртоқ Герасимов, — энергетика қувватларини оширишда ҳали ҳам бироз орқада қолинмоқда. Бу соҳада халқ хўжалиги кенгашлари ва электростанциялар қурилиши министрлиги кескин бурилиш ясашга эришишлари лозим.

Ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техника жиҳатидан қайта қуроллантириш, шунингдек тағин ҳам рационалроқ ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш йўли билан маҳсулот чиқаришни қўпайтирмоқ учун машинасозликда янги резервлар борлиги аниқланди.

КПСС Марказий Комитетининг РСФСР Бюроси ва республика Министрлар Совети Халқ хўжалиги кенгашлари билан биргаликда машинасозликнинг бир қанча тармоқларини янада ривожлантириш соҳасида бирмунча жиддий чораларни амалга оширадилар.

Россия Федерациясида оғир индустрияни ва қишлоқ хўжалигини тез ривожлантириш асосида халқ истеъмол қиладиган моллар бир ярим йил ичида плондаги мўлжалдан ташқари 15 миллиард сўмлик миқдорида ишлаб чиқарилди. Енгил саноатни ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш учун ажратилган қўшимча маблағлардан фойдаланиб, 1961 йилдан бошлаб газламалар, трикотаж, чарм пойафзал ва бошқа кўпгина моллар етти йиллик план топшириқларига нисбатан анча кўп ишлаб чиқарилади.

Сўнгра докладчи КПСС XXI съездининг янги техникани ишлаб чиқаришга жорий қилиш тўғрисидаги қарорларини бажаришга тўхталиб ўтди. Докладчи дедики, корхоналарда ва қурилишларда ишчилар, инженерлар, техниклар, олимларнинг кенг ижтироки билан ишлаб чиқаришнинг техника даражасини ошириш, янги, тағин ҳам такомиллашган маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш тадбирлари ишлаб чиқилди. Рационализаторлар ва ишлаб чиқариш новаторларидан янги техникани жорий қилиш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда ва бу тадбирлар халқ хўжалик планининг таркибий қисмига айлантирилади.

Республикада корхоналарни ихтисослаштиришни ва кооперативлаштиришни ривожлантириш соҳасида анча ишлар қилинди. Халқ хўжалиги кенгашлари ишга тушганидан бери, масалан, машинасозликнинг 900 тадан кўпроқ йирик заводларида ихтисослаштириш тадбирлари амалга оширилди.

Етти йиллик планнинг меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш топшириқлари муваффақиятли бажарилмоқда. Меҳнат унумдорлиги 1958 йилдагига нисбатан 1960 йилда етти йиллик план топшириғига кўра тугалган 12 процент ўрнига 15 процент оширилади. Ўтган йилларда бўлгани каби бу йил ҳам саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги бутун ўсишнинг қарийб тўртдан уч қисми меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан қўлга киритилди.

Докладчи дедики, ўтган ярим йил ичида Вологда, Астрахань, Тула, Чита, Тюмень ва Олтой Халқ хўжалиги кенгашларида меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида берилган план топшириқларини ҳамма корхоналарнинг қарийб учдан бир қисми бажармади. Карель, Орёл, Белгород ва Тюмень халқ хўжалиги кенгашларининг кўп корхоналари маҳсулот таннархини камайтириш топшириқларини бажармадилар.

Сўнгра ўртоқ Герасимов республикадаги капитал қурилиш тўғрисида гапирди. 1959 йилда 700 га яқин катта саноат корхоналари қурилди. Бу йил РСФСР саноатига 74 миллиард сўм — ўтган йилдагига қараганда 21 процент кўп капитал маблағ сарфланади. Уйжой ва маданий-маиший биноларқуриш кенг авж олдирилади. 1959—1960 йилларда 76 миллион квадрат метр уй-жой қуриб битказилади.

Пиёма темир-бетон ишлатиш кўпайтирилганлигига қарамай, қурилиш индустриясини ривожлантиришда айниқса республиканинг шарқ районларида ҳали ҳам қолоқлик рўй бермоқда. Бу қолоқлики тугатмоқ учун, — дейди ўртоқ Герасимов, — СССР Госплани ёрдам бериши керак.

Ўртоқ Герасимов саноатни материал — техника билан таъминлашни планлаштиришни яхшилаш зарурлигини таъкидлаб ўтди. У баъзи илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш ташкилотларини иттифоқ органлари ихтиёридан олиб, республикаларга ва айрим халқ хўжалик кенгашларига топшириш масаласини кўриб чиқишни ҳам таклиф қилади.

Пировардида, докладчи айтдики Россия Федерацияси иқтисодий районларининг меҳнаткашлари партия Марказий Комитетининг бу Пленумини муносиб кутиб олмоқ учун актив тайёрландилар. Улар қўшимча имкониятларни топиб, етти йиллик иккинчи йилининг планини муддатидан олдин бажариш соҳасида ўз зиммаларига янги, оширилган мажбуриятлар олдилар.

(Охири иккинчи бетда)

Н. С. ХРУЩЕВ АҚШ ДЕНГИЗЧИЛАР МИЛЛИЙ КАСАБА СОЮЗИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

12 июлда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущев АҚШ денгизчилар миллий касаба союзининг шу касаба союз раиси ва Америка Меҳнат федерацияси — ишлаб чиқариш касаба союзлари конгресси раисининг ўринбосари Жозеф Каррэн бошчилигидаги делегациясини қабул қилди.

Н. С. Хрущев билан Америка касаба союз арбоблари ўртасида дўстона суҳбат бўлди.

Суҳбатда ВЦСПС раиси В. В. Гришин ҳамда денгиз ва дарё флоти ишчилари касаба союзининг раиси Г. А. Саенко ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Н. С. ХРУЩЕВ БОЛИВИЯ ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

12 июлда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущев СССР Олий Советининг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Боливия парламент делегацияси аъзолари — сенат раисининг ўринбосари Оскар Доносо Лопес (делегация раҳбари), Миллий конгресс депутати Хайме Арельано Кастаньед, сенатор Кармело Куельяр Хименес, Омар Чавес Ортис, Хосе Уго Вилар ва делегация секретари Хосе Хименес Бегларни Кремлда қабул қилди.

Н. С. Хрущев билан парламент делегацияси аъзолари ўртасидаги суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

Суҳбатда СССР Олий Совети депутати И. П. Бойков ҳозир бўлди. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

КАПИТАН В. А. ПОЛЯКОВНИ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Америка Қўшма Штатларининг 1960 йил 1 июлда Совет Иттифоқи доирасига бостириб кирган разведкачи самолётини яксон қилиш юзасидан жанговар топшириқни бажарганлиги учун капитан Василий Амвросьевич **Поляков** Қизил Байроқ ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1960 йил 12июль.

САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИГА ВА ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИГА

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети зўр мамнуният билан қайд қиладиларки, Самарқанд областининг колхозчилари, совхоз, РТС ишчилари ҳамда қишлоқ хўжалик мутахассислари КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми шарафига бошланган социалистик мусобақани авж олдириб, давлатга ғалла сотиш планини муддатидан илгари, 1960 йил 14 июлда бажардилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Самарқанд областининг колхозчиларини, совхоз ва РТС ишчиларини, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларини эришилган муваффақият билан қизғин табриклайдилар ҳамда улар давлатга қўшимча равишда 5000 тонна ғалла сотиш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажариб, бошқа дон экинлари ҳосилини қисқа муддатларда ва юбуд қилмасдан ўриб-йиғиб оладилар ҳамда уруғлик ва ем-хашак фондини тўла таъминлайдилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

(Боши биринчи бетда)

Жуда катта натижаларга эришаётган, коммунистларча меҳнат қилиш ва яшаш намуналарини кўрсатаётган коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари бу планни муваффақиятли равишда амалга оширишга бебаҳо ҳисса қўшмоқдалар.

Ўртоқ И. С. Сенин доклади

Украина ССР мамлакатимиз экономикасида анча катта ўрин олиб турибди, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда, — дейди Украина ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари И. С. Сенин. Республика саноатининг меҳнаткашлари етти йилликнинг биринчи йилида ишни жуда яхши бошлаб юбордилар. Биз, — дейди нотиқ, — етти йилликнинг дастлабки икки йилида ялпи маҳсулот чиқариш контроль рақамларда кўрсатилганига қараганда 14—15 миллиард сўм миқдорида ошиб кетади, деб мўлжаллаб турибмиз ва корхоналар коллективларининг мажбуриятлари ҳам буни тасдиқламоқда.

Ишлаб турган корхоналарни биринчи навбатда реконструкция қилиш ва кенгайтириш йўли билан ишлаб чиқариш қувватларини ошириш керак, деб партиянинг кўрсатиб берган йўли республика саноат ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларида амалга оширилмоқда ва халқ хўжалиги учун жуда катта натижа бермоқда.

Бироқ, — дейди ўртоқ Сенин, — республика саноатида, аввало, ишлаб чиқариш чиқимларини камайтириш, рентабелликни ошириш ҳамда бошқа иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳаммасини яхшилаш ишида ҳали ҳам кўпгина камчиликлар бор. Бу корхоналарда ва халқ хўжалиги кенгашларида олиб борилаётган иқтисодий ишларнинг даражаси ҳозирги замон талабларига ҳали ҳам жавоб бермаётир.

Нотиқ саноатнинг айрим тармоқларини ривожлантириш тўғрисида гапириб дедики, Украина металлурглари чўян, пўлат, прокат ишлаб чиқариш ва темир руда қазиб олиш соҳасида 1965 йилга мўлжалланган даражага 1963 йилдаёқ эришамиз, деб ўз зиммаларига олган мажбуриятларни амалга ошириш учун курашмоқдалар. Темир-руда базасининг қолоқлиги муваффақиятли равишда тугатилмоқда, ишлаб турган металлургия агрегатларидан фойдаланиш яхшиланди, прокатнинг тежамли профилларини ишлаб чиқариш кўпайтирилди. Рангли металлургия ходимлари рангли ва нодир металлар ишлаб чиқариш соҳасида янги қувватларни вужудга келтирмоқдалар. Украина кимёчилари ишлаб чиқариш суръатларини тез оширмоқдалар. Нефть ва газ чиқаришни жадал ривожлантириш соҳасида партия белгилаб берган йўл муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда. Кўмир саноатини ривожлантиришга, биринчи навбатда коксланадиган кўмир қазиб чиқаришни кўпайтиришга, энергетикани ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда.

Республикада капитал қурилишнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш соҳасида анча ишлар қилинди. Капитал ишларга ажратилаётган маблағлардан тағин ҳам самарали фойдаланмоқ учун, — деди докладчи, — капитал маблағларнинг моддий-техника ресурслари билан таъминланган уч процентгача бўлган миқдорини иттифоқчи республикалар ихтиёрида резерв қилиб қолдириш яхши бўлур эди. Бундан ташқари, иттифоқчи республикаларга капитал маблағларнинг 5 процентгача бўлган миқдорини, ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш топшириқларини камайтирмай туриб, тармоқлар ўртасида қайта тақсимлашга ижозат бериш керак эди.

Сўнгра ўртоқ Сенин республика халқ хўжалигида техникани тараққий эттириш меҳнат унумдорлигини янада оширишнинг энг муҳим шарти эканлигини таъкидлаб, шу масалаларга тўхталиб ўтди. Докладчи металлургия заводларида домна ва мартен цехларида табиий газдан фойдаланиш соҳасида, кўмир қазиб чиқаришда гидравлик усулни ва бошқа прогрессив методларни жорий қилиш соҳасида катта ишлар қилинаётганлигини айтиб ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг ўтган йилги июнь Пленумида Украинанинг бир қанча машинасозлик заводлари конструкцияси эскириб қолган ва сифати паст машиналар ва ускуналар чиқараётганликлари тўғри танқид қилинган эди. Шундан бери республикада мазкур камчиликларни тугатиш соҳасида анча иш қилинди. Бироқ,— дейди докладчи, — биз бу қилинган ишларни машинасозлик заводларининг маҳсулот сифатини яхшилаш соҳасида қилиниши лозим бўлган катта ишларнинг бошланғичигинадир, деб ҳисоблаймиз.

Докладчи қора металлургия корхоналарида, шунингдек Донбасснинг кўмир шахталарида ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш тадбирлари ишлаб чиқилганлиги ва амалга оширилаётганлиги ҳақида гапиради. Бу йилнинг ўзидаёқ 21 та кўмир шахтасида барча технология звенолари комплекс механизация қилинади ва автоматлаштирилади. Бу эса меҳнат унумдорлигини бир ярим-икки баравар оширишга имкон беради, механизациялашга сарфланган харажатларнинг ўрни эса икки-уч йил ичида қопланади.

Машинасозликда ва саноатнинг бошқа тармоқларида автомат ва ярим автомат поток линиялари ва конвейерлари кенг жорий қилинмоқда. Иш унуми юксак бўлган 10 та роторли машиналар ва линиялар ҳозир ишлаб турибди. Республикада эскирган ускуналарни алмаштириш ва модернизация қилиш ишлари ҳам кучайтирилди. 1959 йилда республика машинасозлик саноатида 8000 дан кўпроқ станок модернизация қилинди. Натижада бу станокларнинг иш унуми ўрта ҳисобда 20 процент кўпайди.

Шундай бўлса ҳам, — дейди докладчи, — Украинада янги техникани жорий қилиш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш ишлари бизни ҳали унчалик қониқтира олмайди.

Республика партия ташкилотлари, — дейди докладчи, — илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтларини, конструкторлик бюроларини, завод лабораторияларини тажрибали кадрлар билан мустаҳкамлашга жиддий эътибор бермоқдалар.

Саноатнинг илмий тадқиқот ташкилотларидагина ишлаб турган инженер-техник ходимларнинг сони кейинги бир ярим йил ичида бир ярим баравар кўпайди. Украина Фанлар академиясининг институтлари халқ хўжалик кенгашлари ва корхоналар билан ҳамкорликда катта амалий аҳамиятга эга бўлган бир қанча актуал проблемаларни ва муҳим тадқиқотларни ишлаб чиқдилар.

Ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш ҳамда қўл меҳнатидан фойдаланишни энг кўп миқдорда камайтириш, фан ва техниканинг янги муваффақиятларини халқ хўжалигига жорий қилиш вазифаларини ҳал этишда лойиҳалаш ва конструкторлик ташкилотларининг роли жуда катта.

Янги техникани яратиш ва жорий қилишда корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш тўғрисида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг яқинда қабул қилган қарори, — дейди ўртоқ Сенин — лойиҳалаш ташкилотларининг ишларини яхшилашга катта фойда етказади.

Сўнгра ўртоқ Сенин Украина партия ва совет органларининг КПСС XXI съезди қарорларини бажаришдаги ташкилотчилик ишлари масалалари ҳақида гапирди. Партия ташкилотлари меҳнаткашларни ишлаб чиқаришнинг ички резервларини қидириб топишга сафарбар қилиш, техникани тараққий эттириш суръатларини жадаллаштириш ва етти йиллик планни муддатидан олдин бажариш йўлида тинмай иш олиб бормоқдалар. Айрим корхоналаргина эмас, балки бутун-бутун саноат тармоқлари, иқтисодий районлар етти йилликнинг охирига белгиланган марраларга муддатидан олдин етиб олиш мажбуриятини олдилар. Коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорлари ҳаракати тобора кенг ривожланмоқда. Республикада бу ҳаракатга 1 миллион 200 мингдан кўпроқ киши қатнашмоқда.

Докладчи дедики, — бундан уч йил муқаддам ўртоқ Н. С. Хрущевнинг ташаббуси билан саноат ва қурилишни бошқариш қайта қурилганлиги мамлакатимизнинг бутун экономикасини ривожлантиришга яхши таъсир ўтказган, узоқни кўриб амалга оширилган доно, чинакам революцион чора бўлди.

Украин халқи шуни яхши биладики, — дейди ўртоқ Сенин, — эришилган бу муваффақиятлар техника тараққиётини жадаллаштирмоқ ва шу тариқа капитализм билан бўлаётган иқтисодий мусобақада тезроқ ғалабага эришмоқ учун бажарилиши лозим бўлган катта ва мураккаб ишларнинг бошланишидир, холос. Лекин олдимизда турган вазифалар ҳар қанча катта ва мураккаб бўлса ҳам, бу вазифалар албатта бажарилади. Бунга — социалистик тузумнинг улуғ афзалликлари, совет кишиларининг қаҳрамонона меҳнати ҳамда Коммунистик партиянинг ва партия Марказий Комитетининг доно раҳбарлиги, жуда катта сиёсий ва ташкилотчилик ишларини олиб бораётганлиги гаровдир.

Ўртоқ Г. И. Гайле доклади

Республика меҳнаткашлари учун, — деди ўз докладида Латвия Халқ хўжалик кенгашининг раиси Г. И. Гайле, — КПСС Марказий Комитетининг Пленуми арафасидаги кунлар латиш меҳнаткашларининг байрамига — Латвияда Совет ҳокимияти тикланган куннинг 20 йиллигига кўрилаётган тайёргарлик билан бир вақтга тўғри келди. Шу йиллар мобайнида Латвияда жуда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Латвия империалистик давлатларнинг қолоқ аграр қўшимчасидан, Европанинг орқада қолган бурчагидан юксак даражада ривожланган индустриал — колхоз республикасига айланди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ҳажми 1960 йилнинг бошига келиб урушга қадар бўлган даражадан қарийб ўн баравар ошиб кетди, машинасозлик, асбобсозлик ва металл ишлаш саноатининг бошқа тармоқлари соҳасида эса 57 баравар ошиб кетди. Етти йилликнинг биринчи йилида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг ўсишигина буржуа Латвиясида 1939 йилдаги саноат ишлаб чиқаришининг бутун ҳажмидан кўпроқ бўлди.

КПСС XXI съездининг қарорларига мувофиқ, республикада электротехника ва радиотехника саноатларини, асбобсозликни, транспорт машинасозлигини ва балиқ саноатини биринчи навбатда ривожлантириш тадбирлари амалга оширилмоқда. 1959 йилда планда кўзда тутилганига қараганда бир неча юз миллион сўмлик саноат маҳсулоти кўп ишлаб чиқарилди. Бу йил саноатнинг ўсиш суръатлари ошди, биринчи ярим йил плани муддатидан олдин бажарилди. Ўтган йили ва бу йил меҳнат унумдорлигининг ўсиши етти йиллик планда шу йиллар учун белгиланган топшириқдан қарийб бир ярим баравар ошиб кетди.

Партия контроли комиссиялари, техника кенгашлари ва доимий ишлайдиган ишлаб чиқариш кенгашлари партия XXI съездининг ва КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорларини бажаришда катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Фақат Рига корхоналарининг ўзидагина 500 дан кўпроқ партия контроли комиссиялари тузилди. Халқ хўжалиги корхоналарининг кўпчилигида доимий ишлайдиган ишлаб чиқариш кенгашлари ишлаб турибди. Ўтган йилнинг ўзидагина бу кенгашларда 14 мингдан кўпроқ таклиф қабул қилинди, шулардан 10 мингтаси ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

Агар бор резервлардан ўз вақтида ва тағин ҳам тўлиқ фойдаланганимизда эди, — дейди докладчи, — Латвия саноатининг иш якунлари бундан кўра ҳам анча яхшироқ бўлур эди. Бир қанча корхоналарда ускуналардан ва ишлаб чиқариш майдонларидан ҳали ҳам ёмон фойдаланилмоқда, бекор туриб қолишлар натижасида рўй бераётган нобудгарчиликлар кўп. Ҳамма корхоналар ҳам бир морамда ишлаётгани йўқ, янги қувватларни ишга тушириш муддатларига риоя қилинмаётир. Қўл меҳнатининг салмоғи ҳали катта. Корхоналарни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш секин бормоқда.

Докладчи фан, техника муваффақиятларини ва прогрессив технологияни ишлаб чиқаришга жорий қилиш масалаларига катта ўрин берди. Етти йилликнинг биринчи йилидаёқ саноат 400 дан кўпроқ янги буюм ва механизмлар ишлаб чиқарди. Бу йил яна камида 500 та янги буюмларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Заводларда ва фабрикаларда аъло сифатли маҳсулот чиқариш ҳаракати кенгайиб бормоқда.

Республика пассажирлар ташийдиган электр поездлар ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқда. Соатига 130 километргача тезлик билан юрадиган «ЭР-1» электропоездларини кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, электр энергияси истеъмол қилишни 15 процент камайтирадиган, янги электротормозлаш системаси ўрнатилган «ЭР-10» поезди яратилмоқда. Рига вагонсозлари Пленумга совға қилиб автомашинист ўрнатилган моторли вагонлардан 10 тасини ишлаб чиқардилар.

Поездлар учун электродвигателлар ишлаб чиқариш кейинги икки йил ичида уч баравар кўпайтирилди, такомиллаштирилган бошқа ускуналар ҳам ишлаб чиқилмоқда. Электролампа заводи ходимлари вакуум лампалар ўрнига ичи газ билан тўлдирилган қуввати 200 ваттгача бўлган янги конструкция лампалар ишлаб чиқаришга киришдилар. Завод Пленум арафасида бутунлай мана шундай лампалар ишлаб чиқарадиган бўлди. Бу лампаларнинг техник характеристикаси амалдаги ГОСТАдан анча юқори. Лампаларнинг ички юзасини қоплашнинг прогрессив усули топилди. Махсус таркибдаги модда сурилган бундай лампа қуввати кам бўлса ҳам, ёруғни анча кўп беради. Фақат Ригадаги электролампа заводини шундай лампалар чиқаришга ўтказиш натижасида шу завод ишлаб чиқарган лампалардан фойдаланиш йўли билан йилига 600 миллион киловатт-соатдан кўпроқ электроэнергия тежаш мумкин. Радио ва электротехника саноати бу йил ярим миллиондан кўпроқ радиола, радиоприемник ва яна шунча телефон аппаратлари ишлаб чиқаради.

Қишлоқ хўжалик ишларини комплекс механизациялаш учун машиналар яратиш соҳасида анча иш қилинди. Ғарби-Шимол махсус конструкторлик бюросининг ходимлари 39 та янги машина яратиб бердилар, бу машиналарнинг кўпчилиги кўплаб ишлаб чиқариш учун тавсия қилинди. Махсус конструкторлик бюроси ишлаб чиққан машиналар бу йил мамлакатнинг турли зоналаридаги 22 та заводда ишлаб чиқарилади. Яратилган янги техника орасида тежамли ва поплавокли автопоилка, греферли универсал погрузчик, 35 кишининг ишини бажарадиган гўнг сочиш машинаси, сигир соғишни икки баравар тезлаштирадиган соғиш аппарати, чопиқ экинларига ишлов берадиган машиналар ва механизмлар ҳамда чорвачилик фермаларидаги ишларни механизациялаштирадиган машиналар ва механизмлар бор.

Республикада халқ истеъмол қиладиган молларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бу молларнинг хилини яхшилаш соҳасида анча ишлар қилинди. Бундай молларни ишлаб чиқариш етти йилликнинг дастлабки икки йили мобайнида 32 процент кўпайтирилади. Истеъмолчилар ва марказий матбуот,— дейди ўртоқ Гайле,—бизни мебель саноатини қайта қуришни сусайтириб юборганлигимиз учун тўғри танқид қилдилар. Халқ хўжалиги кенгаши бу танқидни ҳисобга олиб, кичик габаритли мебель ишлаб чиқаришни бу йил қарийб икки баравар кўпайтиради ва унинг сифатини яхшилайди. Балиқ саноатининг ходимлари бу йилнинг олти ойи мобайнида пландан ташқари 48 минг центнер балиқ овладилар. Бироқ, балиқ овлаш кемаларидан фойдаланишни янада яхшилаш, балиқ овлашни кўпайтириш, балиқ маҳсулотининг хилини кенгайтириш ва унинг таннархини камайтириш соҳасида ҳали катта ишлар қилишимиз керак.

Докладчи ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш тадбирларини гапириб берди. Халқ хўжалиги кенгаши техникани тараққий эттириш планини ишлаб чиқди. Ўтган йил 150 тадан кўпроқ поток, конвейер, автомат ва ярим автомат линиялар, махсус ишлар учун мўлжалланган 200 га яқин автомат, ярим автомат ва станоклар ишга туширилди. Бу йил бу ишлар тағин ҳам кўпроқ кенгайтирилди. Республикада стандартсиз ускуналар ишлаб чиқарадиган махсус заводлар, цехлар ва участкалар ташкил қилинди. Бир қанча корхоналарда автоматик контроль қилишнинг радиактив воситаларидан фойдаланилмоқда. Латвия саноатида шундай асбоблардан фойдаланиш бир миллион сўмдан кўпроқ пулни тежашга имкон берди.

Докладчи стандарт ускуналарни модернизация қилиш масалаларига тўхталиб айтдики, ҳар бир иқтисодий район бу масалаларни кўпинча бошқа районларда нималар қилинаётганлигини ҳисобга олмай, мустақил равишда ҳал этмоқда. Деталлар ва узелларни марказлаштирилган тартибда кўплаб, бинобарин, арзон қилиб ишлаб чиқариш ташкил этилмаган. Автоматлаштириш ва машинасозлик комитети махсус узеллар ва деталларни лойиҳалашни ва ишлаб чиқаришни бутун мамлакат миқёсида ташкил этиши керак эди.

Асосий ишлаб чиқаришнинг қувватлари билан кўмакчи цехлар деб аталган цехларнинг, айниқса инструментал цехларнинг қувватлари ўртасидаги диспропорция корхоналарни техника билан қайтадан қуроллантиришга тўсқинлик қилаётган жиддий камчилик бўлиб турибди. Ихтисослаштирилган заводлар,— дейди ўртоқ Гайле,— инструментал цехлар учун керакли инструментларни ва махсус металл ишлаш станокларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришлари жуда муҳим вазифадир.

Саноатни бошқаришнинг янги структураси саноатнинг ҳамма бўғинларида ташкилотчилик ишларининг савиясини ва сифатини оширишга, корхоналарнинг ишлари билан боғлиқ бўлган масалаларни илгари вақтдагига қараганда анча яхшироқ ҳал қилишга имкон берди. Шу билан бирга, ишлаб чиқаришни ҳамда материал ва техника билан таъминлашни планлаштиришда жиддий камчиликлар бор. Докладчи иқтисодий районлар билан иттифоқчи республикалар ўртасида тугалланётган кўпгина хўжалик масалаларини оператив ҳал қилишда СССР Госпланининг кенгайтирилиши мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида гапирди. Бу нарса кичик иттифоқчи республикалар учун айниқса зарур, чунки РСФСР да, Украинада ва Қозоғистонда республика халқ хўжалиги кенгашлари тузилган.

Латвия республика партия ташкилоти ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари,— деди пировардида ўртоқ Гайле,—етти йиллик топшириқларини муддатидан олдин, беш йил ичида, бир қанча тармоқларда эса бундан ҳам қисқароқ муддатларда бажариш ва шу тариқа мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш улуғ ишига ўз ҳиссаларини қўшиш учун ўзларининг бутун куч ва ғайратларини сарфлайдилар.

Ўртоқ П. Ф. Ломако доклади

Навбатдаги докладчи — Красноярск халқ хўжалиги кенгашининг раиси П. Ф. Ломако ўз ўлкасини мисолга олиб, мамлакат Шарқида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш тўғрисида КПСС XXI съездининг тарихий қарорлари қандай амалга оширилаётганлигини кўрсатиб берди. Ўртоқ Ломако фойдали қазилмаларнинг жуда катта запасларига, жуда зўр энергетика ресурсларига эга бўлган Красноярск ўлкасининг имкониятларини эслатиб ўтди.

Табиий бойликларни ўзлаштириш,— дейди докладчи,— шу етти йилликнинг ўзидаёқ бизнинг ўлкамизни электроэнергия, глинозем, алюминий, никель, кобальт, платина группасидаги металлар, цемент, ёғоч-тахта ва ёғочни кимёвий ишлашнинг хилма-хил маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида Сибирнинг катта саноат марказига айлантиради. Етти йиллик планда Красноярск ўлкасида ишлаб чиқариш ҳажмини қарийб уч баравар кўпайтириш ва меҳнат унумдорлигини икки баравардан зиёдроқ ошириш кўзда тутилган.

Докладчи айтдики, ўтган йил октябрь ойида Красноярскка келиб кетган Н. С. Хрушчев билан бўлган суҳбатлар асосида ва унинг берган кўрсатмалари асосида КПСС Ўлка комитети, ўлка ижроия комитети ва халқ хўжалиги кенгаши саноат ва энергетикани ривожлантиришни жадаллаштириш тадбирларини ишлаб чиқдилар. Бу тадбирларни КПСС Марказий Комитети ва ҳукумат тасдиқлади. Партия Марказий Комитети ва ҳукуматнинг Красноярск ўлкасини ривожлантириш истиқболлари тўғрисидаги қарорлари ўлка партия ташкилотини ва меҳнаткашларни етти йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун курашга тағин ҳам кўпроқ руҳлантирди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми халқ хўжалиги кенгашлари ишга тушганига уч йил тўлган вақтга тўғри келди. Шу муносабат билан ўртоқ Ломако Красноярск иқтисодий райони қилган ишларнинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни айтиб берди. Бу маълумотлар саноатни ва қурилишни бошқаришнинг янги системаси катта афзалликларга эга эканлигини ёрқин исботлаб турибди.

Халқ хўжалиги кенгаши тузилмасдан олдин ўлка саноати умуман рентабел ишламас эди. Халқ хўжалик кенгаши ишга тушганидан бери халқ хўжалиги 1,7 миллиард сўм миқдорида фойда олди. Красноярск иқтисодий районининг меҳнаткашлари етти йиллик биринчи йилининг планини муддатидан олдин бажариб, пландан ташқари 217 миллион сўмлик маҳсулот бердилар. Корхоналарнинг коллективлари КПСС Марказий Комитети Пленумини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, 1960 йил биринчи ярмининг планини ҳамда пландан ташқари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан олган йиллик социалистик мажбуриятларини муддатидан олдин бажардилар. Маҳсулот таннархини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи бажарилди.

Сўнгра ўртоқ Ломако янги техникани саноатга жорий қилиш тўғрисида гапирди. У рангли металлургиянинг энг катта корхонаси бўлган Норильск кон-металлургия комбинатини мисол қилиб келтирди. Бу комбинатда комплекс механизация ва автоматлаштириш муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда. Комбинат коллективи рангли металлар ишлаб чиқаришнинг 1965 йилга белгиланган даражасига 1963 йилда эришиш мажбуриятини олди.

Ёғочни кимёвий қайта ишлаш негизида Красноярскда катта кимё саноатининг йирик комплекс корхоналари — гидролиз спирт, каучук, корд газламаси, автомобиль шиналари, целюлоза, қоғоз, картон, сунъий ипак ишлаб чиқариш корхоналари вужудга келтирилади. Бу комплекснинг биринчи навбатдаги қисми ишга туширилди. Янги корхоналарнинг ёш коллективлари ишлаб чиқаришни яқин вақт ичида ўзлаштириш ва шина заводининг лойиҳада кўрсатилган қувватига муддатидан бир йил олдин эришиш, целюлоза — қоғоз комбинатида эса етти йилликнинг охирига планлаштирилган ишлаб чиқариш даражасига 1964 йилда етиб олишни таъминлаш мажбуриятини олдилар. Синтетик каучук заводида янги техникани жорий қилиш соҳасида катта иш бажарилди. Шу заводнинг ўзида каучукнинг янги, тағин ҳам сифатли ва арзон турлари ишлаб чиқилди.

Ўртоқ Ломако ўз докладининг алоҳида қисмини энергетикани ривожлантиришга бағишлади. Докладчи айтдики, ўлкадаги энергетика системасига қарашли электростанцияларнинг қуввати етти йил ичида 20 баравардан зиёдроқ кўпайтирилади. 1960 йилнинг учинчи кварталида ёқилғи билан ишлайдиган Назаровский электростанциясининг қурилиши 150 минг киловаттлик биринчи агрегат ишга туширилади. Красноярск гидроэлектростанциясининг қуриш ишлари авж олдириб юборилди. Докладчи дедики, Электростанциялар қурилиши министрлиги ёқилғи билан ишлайдиган Назаровский ва Засзерновский электростанциялари қурилишини ва Назарово-Красноярск электр ўтказиш линиясини қурилишини жадаллаштириши лозим. Бу йил қишда саноатни ва транспортни электр билан нормал равишда таъминлаб турмоқ учун шундай қилиш зарур. Энг арзон энергия ишлаб чиқарадиган электростанциялар қурилиши ўлкада кенг равишда ривожлантирилиши фақат ўлка саноатинигина эмас, шу билан бирга Уралга қадар бошқа иқтисодий районларни ҳам анча миқдорда электр энергия билан таъминлашни лозим. Бу катта иқтисодий натижа беради.

Докладчи ўлкада энергетика, кўмирнинг битмас-туганмас запаслари борлигини ва бу кўмирни очиқ усул билан, яъни энг арзон усул билан қазиб олиш мумкинлигини кўрсатиб, сўнгра машинасозлик проблемаларига тўхталиб ўтди. Жумладан, у айтдики, цемент саноатига қувватли ускуналарни ҳамда металлургия заводлари учун кўп юк кўтарадиган кранларни етказиб берувчи асосий корхона бўлган «Сибтяжмаш» заводида янги техникани жорий қилиш соҳасида катта ишлар қилинди. 1963 йилда 30 мингга яқин машина бериши лозим бўлган комбайн заводи Шарқ районларининг қишлоқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга.

Совет Иттифоқидаги ҳамма ўрмонларнинг бешдан бир қисми, — деди ўртоқ Ломако, — Красноярск ўлкасида жойлашган. Ўрмон саноатини ривожлантириш имкониятлари чексиз катта. Бироқ, халқ хўжалиги кенгаши хўжаликнинг бу тармоғидаги қолоқликни батамом тугатишга муваффақ бўлолгани йўқ. Ўлка партия комитети ва халқ хўжалиги кенгаши бу қолоқликни етти йилликнинг иккинчи йилида тугатиш тадбирларини ишлаб чиқди.

П. Ф. Ломако ўз докладининг охирги қисмида капитал қурилиш, қисқа муддат ичида ўлканинг индустриясининг зўр ишлаб чиқариш базасини вужудга келтириш масалаларига тўхталди. Етти йил ичида саноат, уй-жой ва маданий-маиший қурилишларга 50 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфлаш кўзда тутилади. Жуда катта энергетика қувватлари, оғир, енгил саноатнинг ва озиқ-овқат саноатининг турли корхоналари ишга туширилади.

Кўпгина лойиҳалаш ташкилотлари, жумладан, «Резинапроект», «Гипроцемент» институтлари лойиҳалаш ишларини ўз муддатида бажармаётирлар ва бунинг учун ҳеч қандай масъулиятни ҳис қилмаётирлар.

Биз, КПССнинг Ленинчи Марказий Комитетини ишонтириб айтамизки, — дейди ўртоқ Ломако, — камчиликларни тугатиш учун ҳамма чораларни кўрамиз, ҳамма резервларни сафарбар қиламиз ҳамда етти йиллик планни муддатидан олдин бажармоқ учун куч ва меҳнатни аямаймиз, мамлакатимизда коммунизм қурилиши ишига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Ўртоқ Л. Е. Графов доклади

Кемерово Халқ хўжалиги кенгаши раиси Л. Е. Графов ўз иқтисодий районини қисқача характерлайди. Сибирнинг ўрта қисмида жойлашган бу районда жуда кўп табиий бойликлар бор. Бу район мамлакатнинг битмас-туганмас хазинаси, кўмир саноати, металлургия, кимё, машинасозлик ва энергетиканинг йирик базасидир. Партиянинг сиёсати, Сибирни Совет Иттифоқининг энг йирик саноат базасига айлантириш сиёсати изчиллик ва сабот билан амалга оширилмоқда.

Кузбасс меҳнаткашлари КПСС XXI съездидан кейинги бир ярим йил ичида ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштириш ва комплекс механизациялаш ҳамда ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш соҳасида кўп иш қилдилар. Кўмир саноатида бутун эътибор кўмирни энг самарали усуллар билан — очиқ ва гидравлик усулда қазиб чиқаришни ривожлантиришга қаратилди. Етти йил мобайнида очиқ усулда кўмир чиқаришни икки баравардан зиёд, гидравлик усулда кўмир чиқаришни эса ўн бир баравар кўпайтириш мўлжалланди. Металлургия саноатида флюсланган агломерат ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Шихтада флюсланган агломерат миқдори 75 процентга етказилди; домна печлари колошник тубида газ босимини ошириб ишлашга кўчирилди, дам бериш температураси оширилди. Бу эса меҳнат унумдорлигини 23 процент ошириш ва кокс сарфлашни 10 процент камайтириш имконини берди. Кузнецк металлургия комбинати домна печларининг керакли ҳажмидан фойдаланиш, мартенларнинг туби майдонининг ҳар бир квадрат метридан олинадиган пўлат ва блюмингнинг иш унуми жиҳатидан АҚШдаги ва бошқа капиталистик мамлакатлардаги энг яхши заводлардан анча устун туради.

Кимё корхоналарининг коллективлари бир қанча процессларни автоматлаштирдилар. Бунинг натижасида меҳнат унумдорлиги ошди, маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайди ва маҳсулотнинг сифати яхшиланди. Машинасозлик корхоналарида автоматик ва поток линиялар сони 1,8 баравар ортди, талайгина миқдорда автоматлар, агрегат станоклар ва ихтисослаштирилган станоклар ўрнатилди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва машиналарнинг сифати анча яхшиланди.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг техника хизматини кучайтириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ иқтисодий райондаги корхоналарда инженер-техник ходимларни конструкторлик ва технология бюролари ҳамда бўлимларига, завод ва цех лабораторияларига, экспериментал участкаларига, автоматлаштириш группаларига кўчириш мақсадида уларнинг иш жойларига қандай тақсимланганлиги қайтадан кўриб чиқилди.

Шу билан бирга докладчи техникани тағин ҳам тараққий эттириш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш учун мавжуд бўлган катта резервлар ва имкониятлардан Халқ хўжалиги кенгаши ихтиёридаги корхоналарда ҳали етарли фойдаланилмаётганлигини эътироф қилади.

Докладчининг фикрича, СССР Министрлар Советининг автоматлаштириш ва машиналаштириш Давлат комитети корхоналарни комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришга доир айрим масалаларни ишлаб чиқишга жалб этилган илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг фаолияти устидан контролни кучайтириши ва уларнинг ишларини кўпроқ мувофиқлаштириб олиб бориши лозим.

Ўртоқ Графов айтадики, Кузбасс меҳнаткашлари ўзларининг юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли суратда бажармоқдалар. Иш натижалари етти йиллик иккинчи йилининг саноат ишлаб чиқариши соҳасидаги топшириғи иқтисодий районда анча ошириб бажарилади, деб КПСС Марказий Комитетини ишонтириб айтишга тўлиқ асос беради.

Докладнинг охирги қисмлари капитал қурилиш ва қурилиш базасини кенгайтириш масалаларига бағишланди. Иқтисодий районимиз меҳнаткашлари олдига,—деди докладчи,—Ғарбий Сибирь металлургия заводини қуришдан иборат жуда муҳим вазифа қўйилди. Домна печи, кокс батареяси, икки конвертор, блюминг, аглофабрика, теплоэлектроцентраль, бир қанча ёрдамчи цехлар, кўп миқдорда уй-жойлар, маданий-маиший ва коммунал объектлар мисли кўрилмаган қисқа вақт ичида — уч йил ичида қурилиб ишга туширилиши лозим. Қурилиш ишлари техника жиҳатидан юксак даражада уюштирилган, индустриал методлар, прогрессив конструкциялар кенг қўлланилган, кўп меҳнат талаб этадиган қурилиш-монтаж ишлари комплекс механизациялаштирилган ва зарур миқдордаги маблағ ажратилган тақдирдагина ана шу программани амалга ошириш мумкин. Аммо ҳозирги пайтда керакли маблағлар белгиланган муддатларда ажратиб берилмаётир. Бундай завод қурилишини кечиктириш фойдасиздир, чунки бу ҳол қурилишни анча қимматлаштириб юборади. Ғарбий Сибирь металлургия заводининг темир-руда базасини вужудга келтириш масаласини алоҳида қараб чиқиш керак.

Кузбасс энергетикасини ривожлантириш саноат ишлаб чиқариши ўсишининг умумий суръатларидан кейинда қолмоқда. Докладчи СССР Госплани ва электростанциялар қурилиши министрлиги Кузбассда энергетика қурилишига етарли баҳо бермаётганлиги натижасида бундай ҳолат рўй берганлигини таъкидлайди.

Кемерово иқтисодий районида машинасозлик етарли даражада ривожлантирилмаганлиги натижасида машина-ускуналарнинг кўп қисми, хусусан кўмир ва металлургия саноати учун,—керакли машина-ускуналар Уралдан ва мамлакатнинг марказий қисмидан келтирилмоқда. Ана шу машина-ускуналарни тайёрлаш учун эса Кузбассда ишлаб чиқарилаётган металлдан фойдаланилмоқда. Металлни ўринсиз ташишларга йўл қўймаслик учун, — деди докладчи Кузбасснинг ўзида шу етти йилликдаёқ оғир машинасозликнинг бир қанча заводларини қуриш масаласини қараб чиқиш зарур.

Ўртоқ Б. Ф. Братченко доклади

Қарағанда Халқ хўжалиги кенгашининг раиси Б. Ф. Братченко ўз докладида айтдики, партиямизнинг ва унинг ленинчи Марказий Комитетининг илгари қолоқ бўлган миллий ўлкаларда техникани ва маданиятни тез ривожлантиришга қаратилган доно сиёсати мамлакатнинг энг ёш саноат районларидан бири бўлган Қарағанда иқтисодий районининг тараққиётида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Б. Ф. Братченко айтадики, партия ва ҳукуматнинг тинмай қилаётган ғамхўрлиги туфайли иқтисодий районда мамлакатнинг учинчи кўмир базаси, рангли металлургиянинг энг йирик марказлари, қурилиш индустрияси, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари вужудга келтирилди. Қора металлургия, кимё ва машинасозлик саноати тез суръатлар билан барпо қилинмоқда.

КПСС нинг XXI съезди Қозоғистон Совет Социалистик Республикасидаги ишлаб чиқарувчи кучларни юксалтиришга алоҳида эътибор берди. Қарағанда металлургия заводи қурилиши ана шу эътиборнинг ёрқин намунасидир.

— Қарағанда металлурглари,— дейди Б. Ф. Братченко, — ўзларининг меҳнат совғасини — Қозоғистон Магниткасида ишлаб чиқарилган биринчи чўяннинг қуймасини Пленумга тақдим этишни менга топширдилар.

Докладчи иқтисодий райондаги саноатнинг кўп тармоқлари тез ривожланиб бораётганлиги тўғрисида гапиради. Умуман Қозоғистонда саноатнинг ялпи маҳсулоти етти йилликда тахминан икки баравар ортса, Қарағанда Халқ хўжалиги кенгашида эса 3,4 баравар кўпайиши керак.

Б. Ф. Братченко 1959 — 1960 йилларда иқтисодий район саноатининг ривожланишига тўхталиб ўтади. Ўтган йили бир неча миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 104 процент бажарилди. Шу билан бирга маҳсулот ишлаб чиқариш 1958 йилдагидан 10 процент ортди. Иқтисодий район меҳнаткашлари оширилган мажбуриятлар олдилар ва 6 ой ичида буюмларнинг ҳамма энг муҳим турлари бўйича бу мажбуриятларни анча ошириб бажардилар.

1959 йил июнь Пленумининг саноатни тез суръатлар билан ривожлантиришнинг асосий шартлари сифатида янги техникани ва илғор технологияни жорий қилиш, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш ҳақидаги қарорларини амалга ошириш соҳасида кўп иш қилинмоқда. Балхаш мис эритиш заводи, Коунрад кони, кўмир шахталари ва разрезлари, цемент заводи ва машинасозлик корхоналари қайта қурилмоқда. Ишлаб чиқариш процессларини реконструкция қилиш ва интенсивлаш йўли билан Қозоғистон металлургия заводи, Балхаш ва Жезқозғон бойитиш фабрикалари, синтетик каучук заводи, Жезқозғон мис-руда шахталарининг лойиҳада кўрсатилган қувватлари анча оширилди.

«Карагандауголь» комбинати шахталарида кўмирни механик усулда ортиш 70 процентга етказилди. 1960 йилда шахталарнинг юза қисмидаги ишларни автоматлаштириш ва механизациялаш учун кўп иш қилиш мўлжалланди.

Нотиқ айтадики, янги техникани жорий қилиш, автоматлаштириш ва механизациялаш меҳнаткашларни 7 — 6 соатлик иш кунига кўчириш билан бевосита боғлиқдир. Бутун мамлакатда бўлгани каби Халқ хўжалиги кенгаши ихтиёридаги корхоналарда ҳам ишчи ва хизматчиларни 7 ва 6 соатлик иш кунига кўчириш бу йил тугалланади.

Докладда капитал қурилишга катта эътибор берилди. Металлургия заводи, 17 кўмир шахтаси, синтетик каучук заводи, жуда катта балчиқтупроқ-алюминий заводи, бир неча тепловой электростанциялар ва ҳоказолар Қарағанда Халқ хўжалиги кенгаши ихтиёридаги энг муҳим қурилишлардандир. Жезқозғонни Қозоғистоннинг дурдонаси деб атайдилар. Жезқозғонда жуда катта кон-металлургия комбинати қурилиши давом эттирилмоқда.

Докладчи Қарағанда 2 ГРЭСи қурилишини тезлаштириш, шунингдек Ермаков ГРЭСи қурилишини жадаллаштириш масаласини ўртага қўйди. Экибастуз кўмири базасида Ермаков ГРЭСини ишга туширишдан ташқари, дейди нотиқ, Экибастузнинг ўзида катта электр станциялар қуриш ва Қозоғистоннигина эмас, балки Урал ва Ғарбий Сибирь системаларини ҳам электр қуввати билан таъминлаш учун эва шу кучли узелдан фойдаланиш лозим.

Б. Ф. Братченко Қарағандада илмий-техника марказини вужудга келтириш ҳақида таклиф киритади. Бу марказ Марказий Қозоғистонни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган асосий масалаларни мустақил ҳал эта олур эди.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 14 июлда ўз ишини давом эттирди. (ТАСС).

БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛДА СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий Статистика Бошқармасининг ахборотида кўрсатиб ўтиладики, биринчи ярим йил плани саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми бўйича 104 процент бажарилди. Шу билан бирга, саноат ишлаб чиқариши планда умуман 1960 йил учун кўзда тутилганига қараганда хийли тез суръатлар билан ривожланди. Ўтган йилнинг дастлабки олти ойига нисбатан саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми ўн процентдан зиёдроқ, ёки қарийб 70 миллиард сўм миқдорида кўпайди. Маҳсулот чиқариш ярим йиллик планини ва маҳсулотнинг энг муҳим турларининг кўпчилиги бўйича ярим йиллик планни барча иттифоқчи республикалар ошириб бажардилар. Планни 99,6 процент бажарган Актюбинск Халқ хўжалиги кенгашидан бошқа барча халқ хўжалиги кенгашлари планни ошириб бажардилар.

Ахборотда қора металлар ишлаб чиқариш тез суръатлар билан ўсиб борганлиги ҳақида гапирилади. Бу суръатлар ўтган ярим йил ичида етти йиллик планда мўлжалланган ўсишнинг ҳар йилги ўртача суръатларидан ошиб кетди. Мамлакатда ёқилғининг энг тежамли турлари — нефть ва газнинг бутун қазиб чиқарилаётган ёқилғи миқдоридаги салмоғи кўпайди. Кимё саноати маҳсулотининг муҳим турларини ишлаб чиқариш кўпайди.

Машинасозлик ва металл ишлаш биринчи ярим йилда саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг ўсишига нисбатан илдам суръатлар билан ривожланиб борди. Оғир саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш анча кўпайди. Ўтган йилнинг биринчи ярим йилидагига нисбатан чўян 1,9 миллион тонна, пўлат 2,7 миллион тонна, прокат 2,2 миллион тонна, нефть 9 миллион тонна, газ 5 миллиард кубометр, кўмир 5,4 миллион тонна, электроэнергия 15 миллиард киловатт-соат, минерал ўғитлар 452 минг тонна, металл қирқадиган станоклар 2,2 минг дона, кимё ускуналари 364 миллион сўмлик кўп ишлаб чиқарилди. Алюминий, мис, қўрғошин, рух, магний ва магнийли қотишмалар, никель, титан, кобальт ишлаб чиқариш кўпайди. Халқ истеъмол қиладиган молларни ишлаб чиқариш ҳам анча кўпайди. Чунончи: газламалар ишлаб чиқариш 243 миллион квадрат метр, ички ва устки трикотаж кийимлар 23 миллион дона, пойафзал 19 миллион жуфт, мебель қарийб 900 миллион сўмлик кўп ишлаб чиқарилди.

Корхоналар илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари билан бирликда машиналар, механизмлар, аппаратлар ва асбобларнинг янги турларини яратдилар ва уларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар, эскириб қолган конструкцияларни хийли такомиллашган конструкциялар билан алмаштирдилар.

Ихтирочилар ва рационализаторлар самарали ишладилар. Улар биринчи ярим йилда икки миллиондан кўп таклиф киритдилар. Ихтирочилар ва рационализаторларнинг 1,3 миллиондан кўпроқ таклифи халқ хўжалигида жорий қилинди, бу эса бир йилга ҳисоблаганда 6,5 миллиард сўмдан кўпроқ маблағни тежайди.

Саноатнинг рентабеллиги янада ошди — олинган фойданинг миқдори ўтган йилнинг биринчи ярим йилидагига нисбатан қарийб 17 процент кўпайди.

Марказий Статистика Бошқармасининг ахборотида қишлоқ хўжалигининг ривожланиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Қишлоқ меҳнаткашлари кўкламги экишни муваффақиятли ўтказдилар. Кўкламги экиш плани ошириб бажарилди. Баҳори буғдой, дон, силос ва кўкат поя ҳолида озуқа қилишга мўлжалланган маккажўхори, крупа ҳосил қилинадиган экинлар, дуккакли дон экинлари, қанд лавлаги, кунгабоқар, чигит ўтган йилдагига қараганда кўп экилди, шунингдек тола берадиган зиғир ва сабзавотлар ҳам кўп экилди. 1960 йилда ҳосили олинадиган ҳамма (кузги ва баҳорги) экинлар экилган майдон ўтган йилдаги 196,3 миллион гектар ўрнига 202,9 миллион гектарни ташкил қилди.

Чорвачилик янада ривожланди. 1959 йилнинг 1 июлидан бери колхозлар ва совхозларда қорамоллар сони 6,3 миллион бош кўпайди. Колхозлар ва совхозлар гўшт етиштиришни биринчи ярим йилда 1959 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 19 процент кўпайтирдилар. Давлат гўштни ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 430 минг тонна ёки 17 процент кўп, 1953 йилнинг шу даврида тайёрланганига ва харид қилинганига қараганда 3,4 баравар кўп харид қилди.

Колхозлар ва совхозларнинг моддий техника базаси янада мустаҳкамлана борди.

Умум фойдаланадиган темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво ва автомобиль транспорти ярим йиллик планни ошириб бажарди Юк ташиш анча кўпайди.

Давлат плани бўйича ажратилган маблағлар ҳисобига сарфланган капитал маблағнинг ҳажми биринчи ярим йилда 113 миллиард сўмни ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 13 процент кўпайди.

Мамлакат халқ хўжалигидаги ишчи ва хизматчиларнинг сони ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 3 миллион 900 минг киши миқдорида кўпайди. Саноатда ва қурилишда меҳнат унумдорлиги плани ошириб бажарилди.

Биринчи ярим йилнинг охирига келиб қисқартирилган иш кунида ишлаётган ишчи ва хизматчиларнинг сони қарийб 20 миллион кишига етди. Аҳоли ҳаммаси бўлиб 122 миллиард сўмликдан кўпроқ, ёки 1959 йилнинг биринчи ярмидагига қараганда 6 миллиард сўмликдан зиёд турли нафақалар ва енгилликлар олди.

Биринчи ярим йилнинг чакана товар обороти плани ошириб бажарилди. Товар обороти таққосланувчи нархларда ҳисобланганда, ўтган йил биринчи ярмидагига нисбатан 9 процент кўпайди.

Совет Иттифоқининг ташқи савдоси муваффақиятли ривожланмоқда. Ташқи савдо обороти ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6 процент кўпайди.

Социалистик маданиятни ривожлантиришда янги муваффақиятлар қўлга киритилди. Умумий таълим мактабларида, ишчи ёшлар мактабларида, қишлоқ ёшлари мактабларида ва катталар мактабида ўқиб турган 33,3 миллион кишидан шу йил кўкламда бир миллион киши ўрта мактабларни тамомлаб, етуклик аттестати олдилар. Олий ўқув юртлари бу йил 350 мингдан кўпроқ ёш мутахассисларни, техникумлар ва бошқа ўрта махсус ўқув юртлари 480 мингдан кўпроқ мутахассисларни тайёрлаб беради. Илмий муассасалар сони кўпайди.

Уй-жой қурилиши ва маданий-маиший қурилиш янада ривожланди. Умумий саҳни 17 миллион квадрат метрга тенг келарлик уй-жойлар қуриб битказилди ва фойдаланиш учун топширилди.

Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги тўхтовсиз ошиб бораётганлиги, соғлиқни сақлаш ва медицина хизмати кўрсатиш яхшиланганлиги натижасида СССР аҳолиси орасида касал бўлиш ва ўлиш камайиб борди. 1960 йил 1 июлда мамлакат аҳолисининг сони, дастлабки маълумотларга қараганда, 214 миллион 400 минг кишига етди. (ТАСС).

Мустақил Конго республикасига нисбатан империалистик интервенция муносабати билан Совет ҳукуматининг баёноти

13 июлда СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико Бельгиянинг Москвадаги элчиси И. Коолс жанобларини ва АҚШ ишлар вакили Э. Л. Фриирс жанобларини қабул қилди ҳамда уларга Конго мустақил республикасига нисбатан қилинган империалистик интервенция муносабати билан Совет ҳукумати баёнотининг текстини топширди. Совет ҳукумати баёнотининг тексти, шунингдек Буюк Британия элчиси сэр П. Райли, Франция элчиси М. Дежан жаноблари ва Германия Федератив Республикасининг СССР даги Мувaққат ишлар вакили К. Х. Кноке жанобларига топширилди.

Айни бир вақтда СССР Ташқи ишлар министрлиги баёнотни Москвадаги ҳамма элчихоналар ва миссияларга юборди.

Совет ҳукумати, дейилади баёнотда, Конгода қуролли агрессия бошлаган Ғарб давлатларининг раҳбар доиралари зиммасига тушадиган оғир масъулият ҳақида огоҳлантиради ва бу агрессиянинг дарҳол тўхтатилишини талаб қилади.

СССР ҳукумати ҳисоблайдики, Конгода вужудга келган ҳамда тинчлик ва халқлар хавфсизлигига таҳдид туғдирадиган жиддий вазиятда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти агрессияни тўхтатиш ва Конго мустақил республикасининг суверен ҳуқуқларини тўла тиклаш учун шошилинч чоралар кўриши керак.

Совет Иттифоқи бошқа тинчликсевар давлатлар сингари, дейилади баёнотда, Конго республикасига қарши хиёнаткорона агрессияни қаттиқ қоралайди. У, Африкадаги мустақил давлатлар ва халқларнинг Аккра ва Аддис-Абебада бўлган конференцияларининг Африканинг шармандали мустамлака системаси ҳали сақланиб келаётган жойларида ҳамма мамлакатлар ва халқларга дарҳол мустақиллик бериш хусусидаги адолатли талабини тўла қўллаб-қувватлайди. (ТАСС).

КУЛЬТИВАЦИЯ, ОЗИҚЛАНТИРИШ ВА СУҒОРИШ ИШЛАРИНИ БИР-БИРИГА БОҒЛАБ ЎТКАЗАЙЛИК!

Ҳар туп ғўзада мўл ҳосил тўплаш учун

(ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР)

Областимизнинг илғор хўжаликларида ҳар туп ғўзада мўл ҳосил тўплаш учун қизғин кураш бормоқда. Азамат механизаторлар, миришкор сувчилар шу долзарб кунларнинг қадрига етиб, июль ойи ғўза парваришида ҳал қилувчи ой, зарбдор ой, деган туйғуни қалбларига жо қилиб меҳнат қилмоқдалар.

Кечагина областимиз колхоз ва совхозлари пахта далаларида бўлиб, зиммага олинган социалистик мажбуриятнинг қандай бажарилаётганлиги билан танишган мусобақадош Фарғона области пахтакорларининг қимматли маслаҳатлари, кўрсатган йўл-йўриқлари ҳаммани хурсанд қилди. Ҳозир пахта далаларимизда ана шу маслаҳатлар асосида ғўза парваришида йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш тадбирлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Қишлоқ мухбирларининг редакциямизга ёзиб юборган кўп хатларидан худди ана шу қувончли хабарларни ўқиймиз.

Гулистон районидаги «Красная заря» колхозининг Омон ака Алимқулов бошлиқ бригадаси аъзолари машҳур пахтакор Ғанишер Юнусов изидан бориб, ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар, деб ёзади газетхонлардан ўртоқ **Т. Қўшмаматов**, — бу бригадада культивация, озиқлантириш ва суғориш ишлари юқори агротехника муддатларида ўтказилмоқда. Шунинг учун ҳам шоналар гулга, гуллар аста-секин тўқ кўсакларга айлана бошлади. Шу районлик **Ф. Нишонбоев, П. Куйбишев, Т. Айқинбоев** ўртоқлар ҳам районнинг «Социализм» совхози, «Коммуна» колхози ва бошқа хўжаликларнинг илғор бригадаларида 40—50 центнердан ҳосил кўтариш учун шу кеча-кундузда ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилинаётганлиги ҳақида ҳикоя қилганлар.

Оққўрғон районидаги Сталин номли, Карл Маркс номли колхозларнинг асосий майдонларида ғўзалар бир текис соғлом ривожланмоқда. Бу колхозларда, айниқса ғўзани қондириб суғоришга алоҳида эътибор берилаяпти. Газетхонларимиздан **У. Мусоқов, К. Сайдинохунов** ўртоқлар ҳар иккала колхознинг Муротов, Исақулов, Рисқулова, Беркинбоев каби миришкор сувчилари ҳақида, уларнинг тунни кунга улаб эгатларга жилдиратиб сув тараётганлиги ҳақида ёзиб юборганлар.

Чиноз районлик **А. Шокиров, Д. Исломов, И. Мўминов** ўртоқлар шундай деб хабар қиладилар: «Киров номли колхознинг азамат кишилари бу йил ҳосилдорликни ўтган йилдагига нисбатан бир неча центнерданга ошириш учун зарур тадбирларни кўрмоқдалар. Айниқса колхознинг Турсуной Охунова, Соатали Мирзалиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида меҳнат яхши ташкил этилган. Бу бригадаларда шу кунга қадар барча майдонлардаги ғўзалар уч марта комплекс парваришдан чиқарилди, қониб сув ичган ҳар туп ғўза гуркираб яшнамоқда, шонасига-шона, гулига-гул қўшилмоқда».

Юқори Чирчиқ районидаги «III интернационал» колхозининг Хурсандали ака Обидов бошлиқ бригадаси аъзолари 110 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» кўтариш мажбуриятини олганлар. Бу ваъданинг уддасидан чиқиш учун бригаданинг ҳар бир аъзоси бир ота-онанинг боласидек бир ёқадан бош чиқариб ишлашмоқда. Бригадада 70 гектар ернинг пахтаси машина билан теришга ажратилган. Ана шу картадаги ғўзаларни моҳир механизатор Тураббой Жўрабеков меҳр билан парвариш қилаётир. Рустам ота Нодиров, Қосим Тожибоевлар эса ҳар туп ғўзанинг қониб сув ичишини таъминламоқда.

Бўка районлик **Ш. Валижонов, Э. Усмонов**, янгийўллик **Д. Имомов**, ўрта чирчиқлик **Б. Тожиев** ўртоқлар ҳам редакциямизга юборган хабарларида ўз районларининг илғор бригадалари, илғор хўжаликларида зиммага олинган социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш йўлида олиб борилаётган кураш, алижоновчилар, ғанишерчилар, турсунойчилар ҳаракати кенг авж олиб кетганлиги тўғрисида қувонч билан хабар қилганлар.

Мўл ҳосилга замин яратаётганлар

СИРДАРЁ. Карл Маркс номли колхознинг ўртоқ Жаҳон Бадалов бошлиқ бригадасида мўл ҳосил учун қизғин кураш бормоқда. Пахтакорлар 140 гектар майдондан мўл ҳосил кўтариш мақсадида ғўза парваришини сифатли ўтказмоқдалар. Яқинда мусобақадош Фарғона область пахтакорларининг бир группаси бу бригадада бўлиб, бригада аъзоларининг меҳнатидан хурсанд бўлдилар. Ҳозир ғўзага 3 марта комплекс ишлов берилди. Сўнгги озиқлантириш бугун-эрта тугалланади.

Колхознинг Қ. Ўролов, О. Сангилов, Э. Бобоев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам ғўза парвариши сифатли ўтказилаётир.

«Ўзбекистон» колхозининг Т. Турсунов, Т. Эрматов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида июль ойи мўл ҳосил тўплаш ойига айлантирилмоқда. Ўртоқ Т. Эрматов бошлиқ бригада ғўза парваришини анча кучайтирди. 125 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш юзасидан янги мажбурият олинди. Шу кунларда бригадада суғориш намунали ўтказилаётир. Т. Нарзуллаев, М. Йўлдошев, Ш. Сорибоев ўртоқлар сингари тажрибали деҳқонлар ғўзани қондириб суғормоқдалар.

«Қизил Октябрь» колхозининг аъзолари 1500 гектар ердан мўл ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Ҳозир пахта далаларида мажбуриятга яраша иш қилинаётир.

Х. ТЎЕВ, Н. ЭСИРГАПОВ, Х. ИСАЕВ, Т. ШОМУРОТОВ, О. ЭРГАШЕВ, Т. СОЛИЕВ.

Янгийўл районидаги Ленин номли колхознинг 7-бригадаси сувчилари ғўзани кечаси-ю кундузи қондириб суғориб, мўл ҳосил тўплашга эришмоқдалар. Суратда: (чапдан) сувчилардан Ўсар Қўчқоров ва Баҳодир Одилов ўртоқлар.

С. Йўлчиев фотоси.

Кекса пахтакор даласида

Ёши 65 ларга борган кекса қийғос гулга кирган ғўзаларни кўздан кечириб механизатор Эламас Дарменов ишлаётган картага ўтди. Культиватор тишлари ерга бир меёрда ботиб, ғўза тупларига упадек майин тупроқни уйиб борарди.

— Яхши! — деди Жума ота Жўраев механизаторларнинг ишидан мамнун бўлиб.— Иш қанча сифатли бўлса, ҳосил шунча мўл бўлади. Рулни маҳкам ушла ўғлим, иш сифатсиз бўлиб қолмасин. Ахир гектар бошига 40 центнердан ҳосил кўтарамиз, деб сўз берганмиз.

Жума ота 64 ёшга кирди. У ўз ихтиёри билан Пискент районидаги «Пискент» совхозининг 4-бўлимида бригада бошлиғи бўлиб ишламоқда. Бу йил бригада 55 гектар ерга нуқул 60x60 схемаси билан чигит эккан. Ҳозиргача ғўзаларга уч марта комплекс ишлов берилди.

Шу кунларда отахон бошлиқ бригада далаларига борсангиз шига шона, гул йиғиб, гуркираб ўсаётган ғўзаларга ҳавасингиз келади. Пахтазор — ям-яшил денгиз. Ана шу денгизда областимиз бўйича мамлакатга сотиладиган ярим миллион тонна оқ олтиннинг бир бўлаги вужудга келтирилмоқда.

Тажрибали пахтакор бошлиқ деҳқонлар ғўзага ишлов беришни кун сайин кучайтирмоқдалар. Айниқса суғориш намунали ўтказилмоқда. Бригаданинг Зикриёқул Бегмуродов, Хабибулла Жумаев сингари ишнинг кўзини билган сувчилари кунни тунга улаб ғўза суғормоқдалар. Кун сайин ҳосилга ҳосил қўшилмоқда. Далаларга файз кираётир.

Бригадада ғўзага шарбат суви оқизиш яхши йўлга қўйилган. Бунинг учун махсус чуқурлар тайёрланиб, бу чуқурлар яхши чиритилган гўнг билан тўлғазилган.

— Шарбат суви ичган ғўза мўлжалдагидан анча кўп ҳосил беради,— дейди Жума ота,— 40 центнер осон гап эмас. Шунинг учун асатнинг ўрталаригача ҳамма ғўзамизни бир марта шарбат сувидан чиқармоқчимиз. Бошқа ишларимизни ҳам мажбуриятимизга лойиқ қилиб олиб борамиз.

И. СУЯРҚУЛОВ.

КОММУНИСТ АЁЛ БОШЛИҚ БРИГАДАДА

Ҳамида опа барқ уриб ўсаётган ғўзаларни кўздан кечирар экан, баъзибир тупларда 2—3 тадан кўсак пайдо бўлганлигини кўриб қувониб кетди. «Хайрият,— деди у,— меҳнатларимиз зое кетмаяпти». Кейин унинг кўз ўнгида бундан икки ҳафта илгари бўлиб ўтган воқеа гавдаланди. Ўшанда правление йиғилишида Х. Қодирова бошлиқ бригаданинг иши қаттиқ танқид қилинган эди.

Коммунист аёл танқидлардан тўғри хулоса чиқарди. Ҳамма имконият, техника, ишчи кучлари ғўза парваришига тўла сафарбар этилди. Биринчи навбатда ўтни тозалашга эътибор бердилар. Суғоришга тажрибали сувчилар ажратилди. Ҳар бир картанинг талабига қараб сув қўйдилар. Шундай қилиб, ривожланишдан орқада қолган ғўзалар тез кун ичида яхши ғўзалар қаторига етказиб олинди.

Карим Тўлаганов, Абдумалик Беркинов, Лутфи Пирматова сингари азамат сувчилар кечани кеча, кундузни кундуз демай пайкал оралаб, ғўзаларни саратон сувига қондириб суғордилар.

Мана энди бугун, далаларни айланган киши бригада аъзоларининг фидокорона меҳнатига тан беради.

— Баъзи ерларда, — дейди бригадир Ҳамида опа, — ғўзаларни танлаб чеканка қила бошладик. Бригадамиз аъзолари биринчи августга қадар ҳар туп ғўзада кам деганда 7 — 8 тадан бўлиқ кўсак ҳосил қилиш учун ғайратга-ғайрат қўшиб ишламоқдалар. Ҳаммаси бўлиб 65 гектар ерда пахта етиштирмоқчимиз. Ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил топшириш ниятимиз бор. Бундан ташқари 11 гектар ерда картошка, 2 гектар ерда помидор, 2 гектар ерда қовун-тарвуз етиштирилмоқда.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг ўртоқ Ҳамида Қодирова бошлиқ бригадасида дала ишлари ана шундай намунали ташкил этилган.

Ш. ШЕРАЛИЕВ.

Сўнгги мажбурият 1250 центнер

Ўртоқ А. Усмонов бошлиқ маккажўхоричилик бригада аъзолари йил бошида ҳар гектар ердан 1000 центнер кўкпоя оламиз, деб ваъда берган эдилар.

Баҳорда об-ҳаво ноқулай келганига қарамай улар 40 гектар ердаги маккажўхорини ва 10 гектар ердаги лавлагини яхши парвариш қилдилар. Бу экинлар культивация қилиниб, икки марта озиқлантирилди ва суғорилди. Натижада маккажўхори ҳам, лавлаги ҳам кўнгилдагидек ривожлана бошлади. Шунинг учун бригада аъзолари бу экинлар парваришини яна кучайтириб, ҳар гектар ердаги маккажўхоридан 1250 центнердан кўкпоя ва 500 центнердан лавлаги олишга, шу билан Янгийўл районидаги Свердлов номли колхоз чорвасини мўл-кўл силос ҳамда лавлаги билан таъминлашга аҳд қилдилар.

А. ИНОҒОМОВ.

ОЛМА ПИШ, ОҒЗИМГА ТУШ...

РТСни роса айлангач, бош инженер ўртоқ Чёрнабойни ҳовуз бўйидан топдик. Пахта териш машиналарини ремонт қилиш ҳақида гап бошланганда у дастлаб гапни чалғитишга уринди.

— Пахта териш, кўрак чувиш машиналарини 1 августгача тўла ремонтдан чиқарамиз, ишимиз ёмон эмас, — деди у.

— РТСингиз зонасидаги колхозларда нечта пахта териш ва кўрак чувиш машинаси бор? — сўрадик. Бош инженер бир папкани очиб роса титкилади, кейин аста жавоб берди.

— 49 та кўрак чувиш, 52 та пахта териш машинаси бор экан.

Шугина гап экан-у, папкани титканн нимаси, нахотки, йил бошидан бери шу иш билан шуғулланиб келаётган бош инженер мана шу икки рақамни билмаса?!

— Ҳозиргача нечта терим агрегати ремонт қилинди? Бош инженер яна папкасини титкилай кетди ва бир неча дақиқадан сўнг:

— Биз ремонт ишларини узел методи билан олиб боряпмиз, — деди гапни бошқа томонга чалғитиб, — Ф. Ильин бошлиқ бригада пахта териш машиналарининг аппаратини ремонт қилаяпти. Ишлари тузук, ҳозиргача 7 та машинани қўлдан чиқаришди, азаматлар.

Инженер ишлаётган яна бир бригада борлигини айтди. Лекин унга ким бошчилик қиляпти, нечта машинани ремонт қилди, деган саволга папкасини ағдар-тўнтар қилиб ҳам жавоб тополмади. Чунки инженер айтган иккинчи бригада оғизда бору, амалда йўқ эди. РТСда айни пайтда пахта териш машинасини ремонт қилишда бор-йўғи 3 киши шуғулланаяпти.

Ўртоқ Чёрнабойнинг айтишича мавжуд бригада 1 машинани 4 кунда ремонт қилар экан. Шу суръат билан ишланса, қолган 44 та пахта териш машинасини ремонт қилиш учун қанча вақт керак бўлади? Ўртоқ Назаров директорлик қилаётган Мирзачўл РТСидаги аҳвол мана шундай.

Бу фактлар аниқлангач бош инженер бутун айбни колхоз раҳбарларига тўнкашга, РТСдаги камчиликларни хаспўшлашга уринди.

Эшикдан энди кириб келган РТСнинг бош техника назоратчиси ўртоқ Ёқуб Сеитвалиев бош инженернинг сўзини қувватлади. У дарҳол актлар папкасини титкилаб бир қоғозни олди.

— Мана, — деди у қоғозни кўрсатиб, — «Октябрь» колхози раисининг ўринбосари Отрошченко, бригада механиги Корсовский ўртоқлар устидан тузилган акт. Бир нусхаси прокурорга ҳам кетган. Ҳамон натижа йўқ.

— Бу техникани ёмон сақлаганликлари учун тузилган акт-ку! — ажабландик.

— Ҳа, ўшанда пахта териш машинасининг ремонт қилинмаётганлиги ҳам кўрсатилган. Колхоз раҳбарларига штраф солинди. Лекин улар штрафни тўлашмаяпти. Бундан кейин 4 июлда тузилган акт ҳам бор.

Ўртоқ Сеитвалиев ана шу актлар юзасидан район партия комитетига ва район ижроия комитетига ёзилган рапортларнинг копияларини ҳам ўқиб берди. Бу рапортларнинг бирида «Ленинский путь», «Коммуна», «Москва», «Ленинград» колхозларида ва «Мирзачўл» совхозида пахта териш машиналари ремонтига ҳануз киришилмагани кўрсатилган экан.

— Лоақал ўртоқ Т. Йўлдошев раис бўлган «Ленинград» колхозини олинг, — деди бош инженер, — уларнинг устахонаси РТСникидан кам эмас. Шундай-ку, лекин машиналарни на ўзлари ремонт қилади ва на бизга беради. «Октябрь» колхозининг раҳбарлари эса «техникамизни ўзимиз ремонт қиламиз» деб жар солдилар. Лекин бир неча кундан кейин ремонтни эплашолмай, машиналарни бизга келтириб беришди. «Москва» колхозида ҳам аҳвол бундан ёмон.

Бир томондан инженернинг бу гапларида жон бор. «Октябрь» колхозининг раиси А. Брухтий, «Ленинград» колхозининг раиси Т. Йўлдошев ўртоқлар ўтган йили пахтани машинада терамиз деб районга довруқ солдилар-у, амалда бошқача бўлиб чиқди. Уларнинг бундай нотўғри иши ўз вақтида қаттиқ танқид ҳам қилинди. Бироқ, улар ҳануз бундан тегишли хулоса чиқариб олмаганлар.

Эндигина кириб ўтирган техника назоратчи ўртоқ Сергей Шнин «Москва» колхозида пахта териш машинаси ремонт қилина бошланганини айтди. Лекин ўртоқ Сеитвалиев дарҳол бу гапни рад этди.

— Мен ҳозир «Москва» колхозидан келдим. У ерда ҳали ремонт бошланмаган.

РТС билан бир қаторда колхоз раҳбарлари ҳам айбли. Улар ҳанузгача РТСга юборилиши лозим бўлган машиналарни, ремонтда қатнашиши лозим бўлган механизаторларни РТСга юборганлари йўқ.

Бу йил Гулистон район пахтакорлари йил бошида 21 минг тонна пахтани машина билан терамиз деб тантанали ваъда берганлар. Лекин район, РТС ва колхоз, совхоз раҳбарлари машина билан пахта теришдек муҳим вазифани унутиб қўйганлар. Яқинда келиб кетган фарғоналик мусобақадошлар ва шу муносабат билан область партия комитетининг бюроси ва область ижроия комитетининг қабул қилган қарорида бундай камчиликларнинг тезда тузатилиши талаб қилинди. Бироқ район раҳбарлари ҳам, РТС, колхоз ва совхоз раҳбарлари ҳам бу ишга ҳамон бефарқ қарамоқдалар.

Агар Гулистон районида машина билан пахта теришга шу тахлитда тайёрлик кўрилса олинган мажбурият қандай бажарилади? Олма пиш, оғзимга туш қабилида иш олиб бориш билан узоққа бориб бўлмайди-ку, ахир!

Б. ХАЛИЛОВ,
С. СУЛТОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбирлари.

БОШ ИНЖЕНЕР: — Бизда пахта териш машиналари ремонтида икки бригада ишлаётганлигига нахотки ишонмасангиз, агар ишонмасангиз, менинг кўзим билан қаранг!

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ А. А. ГРОМИКОНИНГ БМТ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ РАИСИГА ТЕЛЕГРАММАСИ

13 июлда СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик кенгашининг раиси Хосе А. Корреа жанобларига телеграмма юборди. Телеграммада СССР ҳукумати «Америка Қўшма Штатлари ҳарбий авиациясининг Совет Иттифоқига қарши қаратилган ва умумий тинчликка хавф туғдираётган янги агрессив ҳаракатлари тўғрисида»ги масалани кўриб чиқиш учун шошилинч тарзда хавфсизлик кенгашини чақиришни илтимос қилиши хабар қилинади.

Бу масалани шошилинч кўриб чиқиш зарурлиги шундан келиб чиқадики, дейилади телеграммада, 23 майдан 27 майгача хавфсизлик кенгашида муҳокама қилинган ниш, яъни Қўшма Штатлар ҳарбий самолётларининг Совет Иттифоқи ҳаво чегараларига агрессив равишда бостириб киришлари давом этмоқда ва тинчликни сақлаш ишини жиддий хавф остида қолдирмоқда.

Телеграммада айтилишича, БМТ уставига мувофиқ, халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун асосий масъулиятни ўз зиммасига олган хавфсизлик кенгаши АҚШ томонидан давом эттирилаётган иғвогарлик ҳаракатлари масаласини кўриб чиқади ва Америка Қўшма Штатларининг тинчлик ишни учун хавфли бўлган ана шу ҳаракатларини тўхтатиш учун зарур тадбирларни қабул қилади, деб Совет ҳукумати умид билдиради.

А. А. Громико телеграмма юпиясини БМТ бош секретари Даг Хаммершельдга юборди.

Телеграммага илова қилинган тушунтириш хатида Америка ҳарбий самолётининг шу йил 1 июлда Совет Иттифоқи чегарасини агрессив тарзда бузганлигининг тарихи баён қилинади. (ТАСС).



Суратда: Етти йиллик қурилишларидан Туябўғиз сув омбори. В. Салов фотоси.

ЙЎЛ ҚУРИЛИШИГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Йўл қурилиши халқ хўжалигимизнинг муҳим соҳаларидан биридир. Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг яқинда бўлиб ўтган еттинчи чақириқ еттинчи сессиясида ана шу масала муҳокама қилинди.

Сессияда область ижроия комитетининг раиси, депутат ўртоқ **Ҳ. Ж. Жалилов** «Область йўл хўжалигининг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида» доклад қилди.

— Кейинги икки йил мобайнида, — деди докладчи, — юзи қаттиқ жисмлар билан қопланган, шу жумладан асфальт ётқизилган бир қанча йўллар қурилди ва реконструкция қилинди, шунингдек анчагина кўприк қурилди. Бу давр ичида йўл қурилишида жами 5 миллион кубометр тупроқ ишлари бажарилди. Қурилиш объектларига 1,3 миллион кубометрдан зиёдроқ шагал ташиб келтирилди ва йўлга ётқизилди. Қурилишга ажратилган капитал маблағнинг миқдори икки баравардан ҳам ошиб кетди. Умум фойдаланадиган автомобиль транспорти икки баравар, юк ва пассажирлар ташиш эса 4,2 баравар кўпайганлиги қувончли ҳолдир.

Бир қанча йирик магистраллар фойдаланишга топширилди. Тошкент — Қўқон шаҳарлари ўртасидаги тоғли йўл қурилиши муваффақиятли тугалланди.

Шуниси қувонарлики, кўпгина илғор қишлоқ хўжалик артеллари колхозининг бўлинмас фонди ҳисобига ободонлаштирилган автомобиль йўллари қуриш юзасидан ташаббус бошладилар. Кейинги икки йил ичида бўлинмас фонд ҳисобига асфальт ётқизилган 120 километр колхозлараро янги йўл қурилди. Янгийўл районидаги Ленин номли, Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли, Бекобод районидаги Дзержинский номли, Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли, «Правда», «Политотдел» колхозлари ана шу ташаббускор хўжаликлардандир.

— Лекин шуни ҳам айтиш керакки, — дейди докладчи, — йўл қурилиши ва уларни реконструкция қилиш суръати ҳозирги юксак талаблар даражасида эмас. Мавжуд айрим автомобиль йўллари кўпинча белгиланган вақтдан илгари ишдан чиқмоқда. Асфальтнинг асфальт-бетон тишини ишлаб чиқаришга жуда секинлик билан ўтилмоқда. Ваҳоланки, асфальтнинг бу типи чидамлидир. Шу туфайли асфальт-бетон ётқизиш билан қуриладиган йўлларни кўпайтириш зарур.

Бўка, Оққўрғон, Калинин, Гулистон районларида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Автомобиль йўли қурилишни ва уни ремонт қилишда колхозлар, совхозлар, саноат, транспорт, қурилиш корхоналари ҳамда хўжалик ташкилотларининг иштироки тўғрисида» 1959 йил 4 мартда қабул қилинган Фармонига тўла амал қилинмаётир. Пискент, Ўрта Чирчиқ, Бўстонлиқ районларида эса кейинги икки йил ичида бир километр ҳам йўл қурилмади.

Докладчи область автомобиль транспорти ва тош йўллар бошқармаси, район ижроия комитетлари, район йўл инженерларининг кадрларни танлаш ишига аҳамият бермай қўйганликлари масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

Докладдан сўнг қизғин мунозара бошланди.

— Қурилиш объектларини транспорт билан таъминлашга қодирмиз, — деди сўзга чиққан Тошкент область автомобиль трестининг бошлиғи, депутат ўртоқ **Ражабов**, — лекин айрим раҳбарларнинг бенарволиги ва масъулиятсизлиги натижасида у ёки бу объектга юборилган машиналар ўз вақтида фойдаланилмаётир. Шунингдек қурилиш объектларининг кўпайиб бораётганлиги туфайли яна областимизда 12 та қўшимча автомобиль хўжалиги ташкил қилиш зарурияти туғилмоқда.

Меҳнаткашлар депутатлари Янгиер шаҳар ижроия комитетининг раиси, депутат ўртоқ **Жумаев** сўз олади. У бўлинмас фонд ҳисобига йўл қуриш соҳасида содир бўлаётган камчиликлар ҳақида гапирди. Жумладан, 4-«Боёвут» совхозида қурилган йўл сифатсиз бўлганлиги учун яна ремонт талаб бўлиб қолди. Бу камчиликларнинг содир бўлишига кўп жиҳатдан «Главголодностепстрой» айбдидир.

— Ўртоқ Жумаевнинг фикрига мен ҳам қўшиламан, — деди Янгийўл районидаги Ленин номли колхознинг аъзоси ўртоқ **Фозилова**. — Мен ишлаётган колхозда йўл қурилиши учун ишчи кучи етарли. Лекин қурилиш учун ажратилган материаллар ўз вақтида юборилмаётир. Ўртоқ Фозилова қурилиш материаллари билан таъминловчи ташкилотларнинг ишидаги бошқа камчиликларни ҳам очиб ташлади.

Депутатлар Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва Тош йўллар министрининг ўринбосари ўртоқ **Хўжаев**нинг нутқини катта қизиқиш билан тингладилар. Нотиқ йўл қурилиши соҳасида амалга оширилаётган техникавий тадбирлар ҳақида гапирди. Лекин асфальтнинг тақомиллашган асфальт-бетон типидан яхши фойдаланилмаётир. Бу соҳада Тошкент область автомобиль транспорти ва тош йўллар бошқармаси раҳбарлари тегишли хулосаларни чиқариб олишлари лозим.

Шунингдек, сессияда Тошкент область партия комитетининг секретари ўртоқ **Илюхин** ҳам нутқ сўзлади.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг еттинчи чақириқ еттинчи сессияси йўл қурилишини кенг кўламда олиб бориш, қурилишлар билан бевосита боғлиқ бўлган ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш, янги, илғор технологияни кенг жорий қилиш юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советига 80-Ниёзбошисайлов округи бўйича сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиясининг ахбороти

Округ сайлов комиссияси Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан кўрсатилган Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ **Ориф Алимович Алимов**ни 80-Ниёзбошисайлов округи бўйича Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб рўйхатга олди.

Округ сайлов комиссияси.

Ўзбекистон ССР Олий Советига 35-Гвардия сайлов округи бўйича сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиясининг ахбороти

Округ сайлов комиссияси 3-мебель фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективи томонидан кўрсатилган Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари ўртоқ **Федор Егорович Титовни** 35-Гвардия сайлов округи бўйича Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб рўйхатга олди.

Округ сайлов комиссияси.

ОМОНАТ КАССАЛАРИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ

СССР Олий Совети V сессияси СССР Министрлар Советининг баҳолар масштабини ўзгартириш ва ҳозир муомалада бўлган пулларни 1961 йилнинг 1 январидан янги пуллар билан алмаштириш ҳақидаги қарорини маъқуллади. Партия ва ҳукуматимиз ўтказадиган бу тадбир катта иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга. Эски пул билетлари ва чақа тангаларнинг ўн сўми янги пул билетлари ва тангаларнинг бир сўми билан алмаштирилиши керак. Эски пулларнинг янгисига алмаштирилиши билан ҳамма товарларга қўйилган баҳолар, хизмат ҳақлари ва бошқалар ҳам эски пулларнинг ўн сўмига янги пулларнинг бир сўми нисбатида қайта ҳисоблаб чиқилади. Натижада бизнинг пул бирлигимизнинг қудрати ўн марта ортади.

Пул алмаштирилиши 1961 йилнинг 1 январидан 1 апрелигача ўтказилади. Бу тадбир СССР Давлат банки муассасалари томонидан очиладиган алмаштириш пунктлари орқали амалга оширилади.

1961 йилнинг 1 январидан бошлаб меҳнаткашларнинг омонат кассаларидаги жамғармалари янги пулларга ҳисобланилади. Бунинг учун пул эгасининг омонат кассага келиб учрашиши шарт эмас. Уч процентли ички ютуқлар давлат заёмларининг облигациялари, заёмлар, пул-буюм лотереяларига тўланадиган ютуқлар қиймати, аккредитивда қолган пуллар ҳам шу тартибда ҳисобланилади. Аҳоли ва давлатнинг қолган бошқа пул ҳисоблари ҳам ўн баравар қисқартирилади.

Шу билан бирга келгуси йилнинг 1 январидан 1 апрелигача омонат кассалари аҳоли қўлида бўлган эски пулларни ўндан бир миқдорида янгиси билан алмаштириб бераверади.

Омонат кассалар қабул қиладиган жамғармалар турли кўринишларга эга. Пул эгаси шу кўринишлардан ўзига мақбул бўлганини танлаши мумкин. Жамғармаларнинг энг қулай формаси — жорий ҳисобдир. Жорий ҳисобнинг устунлиги шундаки, пул эгаси ўзи шахсан омонат кассага келиб юрмасдан, чекларни бериш йўли билан ўзига керакли кишилар ва ташкилотлар билан ҳисоб-китоб қилиши мумкин бўлади.

Ўз жамғармаларингизни давлат меҳнат омонат кассаларига қўйиб, омонат кассалар хизматидан фойдаланинг.

А. НАЗИРОВ,
Тошкент шаҳар молия бўлимининг мудири.

„Муштум"нинг янги сони

Ҳажвий журнал «Муштум»нинг 13-сони босилиб чиқди ва обуначиларга тарқатила бошланди.

Бу сонда «Боғдан гапирсангиз, тоғдан келишади», «Ойнакдан қаранг», «Ҳожиевнинг амри билан» сарлавҳали ўқимишли материаллар, З. Ҳабибийнинг «Такасалтанг», Пўлат Мўминнинг «Порахўрнинг хиллари» сарлавҳали ҳажвий шеърлари, Мамарасул Бобоевнинг «Айиқ билан Тулки» масали бор.

Журналда конкурсга келган материаллардан Усмон Умарозданинг «Уйқош фамилия» ҳикояси босилган. Шунингдек рассомлардан Д. Синицкий, Б. Жуков, Н. Леушин, Э. Рўзибоев, М. Воробейчиков, А. Назаров, А. Холиқовларнинг турли темаларга бағишланган қизиқарли карикатуралари бор.

„ПАХТАКОР" ИККИ ОЧКО ОЛДИ

Мамлакат биринчилиги учун футбол бўйича «А» класс командаларининг 12 июлда бўлган навбатдаги учрашувлари қуйидагича якунланди: биринчи группада лидерлик қилаётган Москва «Торпедо» командаси 1:0 ҳисоби билан москвалик динамочиларни, Ростов-Дон армия спорт клуби командаси 2:1 ҳисоби билан ленинградлик «Зенит» командасини, Кишинев «Молдово» футболчилари 2:0 ҳисоби билан «Калев» (Таллин)ни «Даугава» (Рига) 2:1 ҳисоби билан «Динамо» (Тбилиси) ни ютди. «Пахтакор» командаси Харьков шаҳрида «Авангард» футболчилари билан учрашиб, 1:0 ҳисоби билан ғалаба қозонди. Тўпни И. Тазетдинов киритди. Шундай қилиб «Пахтакор» футболчилари 16 ўйинда 15 очко тўпладилар.

БУГУН ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ

Бугун Тошкент областида ва Тошкент шаҳрида ҳавонинг бир оз булутланиб туриши кутилади, лекин ёғингарчилик бўлмайди. Кучсиз шамол эсиб туради. 31-36 даража иссиқ бўлади.

Агрессорларга лаънатлар бўлсин!

☆ ☆ ☆

АҚШ ҲУКУМАТИНИНГ ЯНА БИР НАЙРАНГИ

Фидокорона меҳнатимиз билан агрессорларга зарба берамиз

Америка ҳарбий самолёти 1 июлда жонажон мамлакатимиз ҳаво чегарасини яна бир марта хиёнаткорона бузди. Жосуслик ниятида қилинган бу ҳаракат бизнинг газабимизни қўзғатди. Совет Иттифоқининг давлат чегарасини бузиб ўтган самолёт чегарачиларимиз томонидан уриб туширилди.

Совет ҳукумати бутун дунёда тинчлик ва хавфсизлик манфаатини ҳимоя қилаётган бир пайтда Америка ҳукуматининг бу ҳаракати Совет Иттифоқига қарши қаратилган ёвуз ниятдир. Колхозимиз, шу жумладан бригадамиз аъзолари Америка, Англия ва Норвегия ҳукуматларининг тинчлик ишини бузишга қаратилган ниятларини қоралаб Совет ҳукумати томонидан билдирилган норозиликни тўла маъқуллайдилар. Америка ҳукумати тинчлик ишига раҳна солиб, тинчлик тақдири билан, халқлар тақдири билан хатарли ўйинашмоқда.

Колхозимиз аъзолари ўз йиғилишида ҳушёрликни янада оширган ҳолда фидокорона меҳнат қилиб, Ватанимиз қудратини янада мустаҳкамлашжакларини якдиллик билан изҳор қилдилар.

Бригадамиз бу йил камида 2 минг тонна картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари етказиш учун курашмоқда. Биз КПСС Марказий Комитети Пленуми шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётирмиз. Эртаги экинлар ҳосилини йиғиштириш билан, кечки экинлар парваришини янада кучайтирамиз. Биз фидокорона меҳнатимиз билан тинчлик ишига раҳна солувчи аррессорларга қаттиқ зарба берамиз.

Т. ДЕҲҚОНБОЕВА,
Калинин районидаги С. Раҳимов номли колхознинг бригада бошлиғи.

Тулки яна тумшуғидан илинди

Совет ҳукуматимиз бутун дунёда тинчлик ва хавфсизлик манфаатларини янада қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган бир пайтда америка империалистлари яна бир янги агрессияни амалга оширмоқчи бўлди. Совет чегарасига жосуслик мақсадида юборилган самолет Архангельск якинида уриб туширилди. Тулки яна тумшуғидан илинди. Бу иғвогарлик барча тинчликсевар инсоният қатори, биз колхозчиларнинг ҳам газаб-нафратимизни қўзғатиб юборди.

Ахир сурбетлик ҳам эви билан-да, жаноб империалистлар! Тинч ва ижодий меҳнат билан шуғулланаётган совет кишиларининг ҳадеб жигига тегаверасизларми?! Лекин шуни яхши билиб қўйингларки, совет кишилари эндиликда бундай агрессияларга осонликча кечиримайди. Уруш оловини ёқмоқчи бўлганларнинг адабини бериб қўйиш қўлимиздан келади.

Америкалик империалистларнинг бу янги иғвогарлик ҳаракатига бир ғайратга — ўн ғайрат қўшиб ишлаш билан зарба берамиз.

Валижон ЭРГАШЕВ.
Бўка районидаги Вильямс номли колхознинг бригада бошлиғи.

ВАШИНГТОНДАГИ РАСМИЙ ДОИРАЛАР САРОСИМАГА ТУШИБ ҚОЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 12 июль. (ТАСС). Америка ҳарбий самолётининг 1960 йил 1 июлда Совет Иттифоқи чегарасини бузиб ўтганлиги муносабати билан Совет ҳукуматининг норозилик нотаси АҚШ расмий вакилларини довдиратиб қўйди. «У-2» жосус самолёти билан бўлган можаро вақтида олинган аччиқ сабоқни ва ўша вақтда АҚШ ҳукумат органларининг баёнотлари ёлғон эканлиги бутун дунё олдида фош қилинганлигини афтидан эсида сақлаб, «Вашингтондаги расмий доиралар, — деб ёзади «Нью-Йорк таймс» газетаси, — самолёт билан бўлган янги совет-америка можароси муносабати билан чалкаш баёнотлар қилишдан эҳтиёткорлик билан бош тортмоқдалар».

Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлигининг Ньюпортдан (Род-Айленд штати) хабар беришича (ҳозирги вақтда президент Эйзенхауэр шу ерда турибди), Оқ уй қуйидаги хабарни эълон қилган: «Президент Эйзенхауэр давлат департаментидан ва мудофаа министрлигидан можаро ҳақида тўла доклад топширишни сўраган. Бу можаро вақтида совет учувчилари Американинг «РБ-47» разведкачи самолётини Баренц денгизи устида уриб туширган эдилар».

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ ЯНА ЖИДДИЙ ОГОҲЛАНТИРИШИ

ПЕКИН, 12 июль. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг билдиришича, бугун АҚШ нинг 2 ҳарбий кораблари Гуандун вилоятидан жанубдаги районда Хитой Халқ Республикасининг территориал сувларига бостириб кирган ва шу ерда турган ҳамда АҚШ нинг бир ҳарбий корабли Фуцзянь вилоятининг Бэйцаньледао ва Дунынь ороллари районида Хитой Халқ Республикасининг территориал сувларига бостириб кирган ва у ерда турган.

Шу кунининг ўзида АҚШ нинг ҳарбий самолёти Гуандун вилоятининг Шаньвэй ва Пинхайдан жануброқдаги район устида Хитой Халқ Республикасининг осмонига бостириб кирган. АҚШ нинг бошқа бир ҳарбий самолёти Гуандун вилоятидаги Сишацюньдао ороллари группасига қарашли Шидао ва Юнсиндао ороллари райони устида Хитой Халқ Республикасининг осмонига бостириб кирган.

АҚШ ҳарбий самолетлари ва ҳарбий кораблларининг ана шу ҳарбий иғвогарликлари муносабати билан, Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар министрлиги АҚШ ни яна бир марта жиддий огоҳлантирди.

МЕКСИКА ХАЛҚИНИНГ КУБА БИЛАН БИРДАМЛИГИ

МЕХИКО, 12 июль. (ТАСС). Бутун Мексика халқи Куба халқининг ўз иқтисодий мустақиллиги учун олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлаб, Қўшма Штатларнинг иқтисодий агрессияси ва таҳдидини қоралямоқда. Қўшма Штатларнинг мақсади — Куба халқининг яхши турмуш ва ўз мамлакатининг тараққиёти учун олиб бораётган курашини бўғиб ташлашдан иборатдир. Газеталар хилма-хил иқтимоий ташкилотлар, касаба союзлари, сиёсий партияларнинг баёнотларини босиб чиқармоқдалар. Бу баёнотларда Куба билан бирдамлик изҳор қилинмоқда. Мексика ишчилари регионал конфедерацияси конгресси доимий бирлашган комиссиясининг раиси депутат Эмилио Санчес Пьедрасга «Новедадес» газетасида босиб чиқарилган мактубида Куба республикасини ёклаб қатъий баёнот берганлиги учун уни «тамомила қўллаб-қувватлаганлиги» изҳор қилган. «Ана шу оғир дақиқада, — дейилади мактубда, — Куба халқи Мексика халқи ва ҳукуматининг бирдамлигига сазовор бўлмоқда. Шимолий Американинг Кубага қарши агрессияси Латин Америкаси халқларига қардош Куба республикаси томонида туриш мажбуриятини юклайди».

«Ультимас нотисиас» газетаси Мексика умумий ишчи-деҳқон иттифоқининг баёнотини босиб чиқарган. Баёнотда «Қардош Куба республикасининг тўла иқтисодий ва сиёсий мустақилликка эришмоқ учун олиб бораётган курашида «ана шу республикани қўллаб-қувватлаш кераклиги» изҳор қилинади.

Мексика халқ партияси, Мексика миллий партияси ва синаркистлар миллий иттифоқи «Овасьонес» газетасида эълон қилинган ўз баёнотларида Куба халқига бўлган хайрихоҳликларини изҳор қилганлар.

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИНИ ЧАҚИРИШГА ДОИР

НЬЮ-ЙОРК, 13 июль. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири хабар беради: Америка Қўшма Штатларининг Куба Республикасига қарши агрессив ҳаракатлари натижасида вужудга келган ҳамда умумий тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солувчи вазиятни муҳокама қилмоқ учун 18 июль кундуз соат 3 да (Москва вақти билан соат 22 да) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг мажлиси бўлади.

Хавфсизлик Кенгашининг мажлиси Куба ҳукуматининг илтимосига биноан чақирилмоқда.

Конгода аҳвол

НЬЮ-ЙОРК, 12 июль. (ТАСС). Еш Конго республикасига қарши мустамлакачилик фитнасининг қатнашчилари ўзларининг ифлос ишларини давом эттирмоқдалар.

Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлиги мухбирининг Элизабетвилдан хабар беришича, Конгодаги олти вилоятдан бири — Катанга вилоятининг бош министри Чомбе кеча бу вилоят Конгодан ажралиб чиқади ва «мустақил» деб эълон қилинади, деган. Чомбе ўз баёнотида бундай мустақиллик Бельгия билан маҳкам ҳамкорликни билдиради, деб айтган ва Бельгия ҳукуматига мурожаат қилиб, ундан ҳарбий, молиявий ва техника ёрдами беришни давом эттиришни сўраган. Агентликнинг ахборотида айтиладики, Чомбе «жуда туманли» гаплар билан, Катанганинг Конгодан ажралиб чиқишини «асослаш»га уринди ва Катанга вилоят парламентида бу масала овозга қўйилгани йўқ ва бош министрнинг ўз баёнотини беришидан олдидан парламент умуман тўпланган эмас.

Катанга вилояти Конгонинг экономикасида жуда муҳим ўрин тутади. Бу вилоятда жуда бой мис манбалари, уран конлари жойлашган. Бельгиянинг «Юнион миньер» ва «Сосьете Женераль де Бельжик» монополистик компаниялари шу вақтгача Конгонинг ана шу жуда бой районидаги фойдали қазилмаларини қазиб чиқаришда танҳо ҳуқуқдан фойдаланиб келмоқда ва жуда кўп фойда олмоқда.

«Конакат» партиясининг Бельгия капитали билан боғланганлиги тўғрисида матбуотда кўп марта ёзилган эди. Шу партия раҳбари Чомбенинг баёноти Бельгия империалистлари ва уларнинг гумаштлари Конгонинг мустақиллигини сохта қилиб кўйишга, Африкадаги бу янги мустақил давлатни парчалаб, кучсизлантириб қўйишга зўр бериб интилаётганликларини кўрсатади.

Редактор ўринбосари
М. КОРИЕВ.

ТОШКЕНТНИНГ *таниш жойларида*

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/VII да **Флория Тоска**, 16/VII да **Майсаранинг иши**.

АНДИЖОН МУЗДРАМА ТЕАТРИ (Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида) — 15/VII да **Холисхон**, 16/VII да **Ишқ билан ўйнашма**.

Руслар совғаси — «ВАТАН», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (2-залда кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да), «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч 9-15 минут ва 11 да), ТЕЛЬМАН номли (кеч 9 ва 10-50 минутда), «ПОБЕДА» (кеч 9-15 минут ва 11 да).

Баҳорда бўлган воқеа — «МИР», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), КАФАНОВ номли, «УДАРНИК» (кеч 9-15 минут ва 11 да).

Биринчи кўришиш — «СПУТНИК» (1-залда), НАВОИЙ номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), ПУШКИН номли, НАВОИЙ номли, (ёзги кеч соат 9-15 минут ва 11 да).

Ўғлим уйланади — «ВАТАН» (кундуз соат 2 ва 4 да).

Севги ва кўз ёши — НАВОИЙ номли (қишки, кеч соат 8 ва 10 да).

Акуланинг тиши — «СПУТНИК» (кундуз соат 2, кеч 6 ва 10 да), «ВАТАН» (ёзги, кеч 9-10 минут ва 10-50 минутда).

Кўк ўқ (ўзбек тилида, кеч соат 9-10 минутда), **Гаучолар уруши** (кеч 10-40 минутда) — «ОКТЯБРЬ».

Тошкент шаҳар ижроия комитети шаҳар уй-жой бошқармасининг мақсуслаштирилган ШАҲАР МОНТАЖ ТРЕСТИ ТАШҚИ ВА ИЧКИ КАНАЛИЗАЦИЯ, ВОДОПРОВОД, САНУЗЕЛ, БИНОНИ ИСИТУВЧИ ИНШООТЛАР ҚУРИШ-МОНТАЖ ҚИЛИШ ҳамда электромонтаж ва созлаш ишларига **пудрат шартномалар** тузади

Мурожаат учун адрес: Олмазор кўча, 67-уй. Телефон — 42-885, 42-865.

Тошкент область матлубот союзининг **тайёрлаш бошқармаси** муассаса, ташкилот, мактаб, колхоз, совхоз ва гражданларга давлат баҳоларида — **наслдор қуёнлар сотади**

Калинин районидаги Сталин номли колхозда турувчи Мавжуда Умарованинг 2-Қорасув кўча, 214-уйда турувчи Турғун Умаровдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АДРЕСИ

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140 Пропаганда бўлими — 34808, 136 Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Секретариат — 34808, 115 Эълонлар бўлиши — 28142.

Р 01948. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А. 1838.